O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 15-iyul, 2009-yil ● №30 (633) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

МЕРОСХЎРНИНГ «ЎЙИН»И

Агар Галина Акильбекованинг пенсионер эканини ҳисобга олсак, Оқилбек Муратовга 14700000 сўмни тўлаши учун камида 10 йил керак!!! Бўлмаса 15, ҳатто йигирма йил кутади.

⇨ 3-бет

"ДУНЁ ТЎРТ АСОС БИЛАН ПОЙДОР ЭКАН"

Абулғозихон нафақат давлат арбоби, балки Шарқ табобатини ҳам юксак даражада идрок қилувчи моҳир табиб ҳам эди. Унинг турли тилда ёзилган манбалардан бемалол фойдалана олиши эса илмда ҳам етук шахс бўлганини кўрсатади.



⇨ 6-бет

ОРЗУИМ – НАВОИЙНИ ЎЙНАШ ЭДИ

Инсонга изланиш, ўрганиш ва тинимсиз меҳнат бахт келтиради. Ахир, санъаткор ўз-ўзидан саҳнага чиқиб, маҳоратини намоён эта олмайди-ку. Драматург ва режиссёрда ҳам гап катта. Актёрларнинг бор маҳоратини англаб, тўғри йўналтира олиш уларнинг иши.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Жорий йилнинг 9 июль куни республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

■ Шу йилнинг 13 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотларга бағишланган семинар ўтказилди.**

Тадбир парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

■ Япония пойтахтида Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбир Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ҳамда "Эй-Жи-Ти" сайёҳлик компанияси томонидан мамлакатимизнинг Японияда элчихонаси кўмагида ўтказилди. Учрашувда кунчиқар мамлакатнинг 45 дан зиёд сайёҳлик компанияси, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

АБИТУРИЕНТ – 2009

Ватанимизнинг бахтли ёшлари

Ҳар бир йигит-қиз умидлар уммонида яшайди. Том маънода мустақиллик фарзандлари бўлган бугунги ёшларнинг орзу-умидлари, интилишлари, дунёқарашлари, ҳаётга бўлган муносабатлари ҳам ўзгача. Мактаб, коллеж ва лицей партасидаёқ ўз иқтидорини намоён этган ёшлар қанча! Улар орасидан кўплаб республика фан олимпиадалари ғолиблари етишиб чиққани, чинакам истеъдод соҳибларининг дунё миқёсида ўтказилган қатор танловларда юқори ўринларни қўлга киритгани кимни қувонтирмайди! Шоир таъбири билан айтганда, аъло мамлакатнинг аъло фарзандларини порлоқ келажак, Ватан кутмоқда! Қалбида ифтихор туйғуси жўш урган илмга чанқоқ ёшлар бугун орзулар оғушида турли олий ўқув юртларига ҳужжат топширмоқда.

Бу йил коллеж ва лицейларни муваффақиятли тамомлаган юз минглаб иқтидорли ёшлар республикамиз Президентининг 2009 йил 4 июндаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига 2009-2010 ўқув йилига қабул тўғрисида"ги қарорини ўзгача ҳаяжон билан кутиб олганлари айни ҳақиқат.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бакалавриат йўналишига бу йил жами 1755 та, жумладан, 670 та давлат гранти ва 1085 та тўлов-шартнома асосида, магистратура босқичига эса жами 611 та, жумладан, 159 та давлат гранти ва 452 та тўлов-шартнома асосида талабани қабул қилиш режалаштирилган.

Йигит-қизларнинг ҳужжат топширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қабул жараёни билан боғлиқ маълумотлар эълонлар тахтасида тўлиқ ёритилган. Факультетлар фаолиятини акс эттирувчи суратли стендларни кузатган киши бу улуғ даргоҳ ҳақида муайян тасаввурга эга бўлади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасида

ОДАМ САВДОСИ: муаммо ва ечим

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот-маърифий маркази ҳамкорлигида ташкил қилинган илмий-амалий конференцияда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий Идоралараро комиссияларнинг масъул котиблари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда Мустақиллик йилларида одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, бу соҳада норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, одамларнинг нолегал трафигига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди ҳамда уларнинг норма ва стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилинди.

Хусусан, мамлакатимиз парламенти томонидан "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, Республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги қарори билан одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси ва одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасига (Одам савдоси) тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар мазкур иллатга қарши курашиш бўйича ягона стратегия асосида тайёрланган режа бўйича ҳамкорликда кенг кўламли иш олиб бормоқда. Лекин амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳудудий комиссияларнинг фаолиятида, манфаатдор идораларнинг ишини мувофиқлаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани, юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чоралари кўрилмаётгани қайд этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.

СУҲБАТ

Ўткир қалам, яхши ният билан

Сўз эркинлиги ҳар қандай жамиятнинг маънавий-маданий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётига пойдевор бўлиши шубҳасиз. Буни бугун юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ҳамда журналистларнинг эркин фикрлаши учун яратилаётган имкониятлар тимсолида ҳам кўриш мумкин. Қатор йиллардан бери ўткир қалами, дадил фикрлари билан жамоатчилик эътиборини қозониб келаётган журналист "Ishonch" ва "Ишонч доверия" газеталари бош муҳаррири Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ билан матбуотимиз равнақи, унда ёритилаётган мавзулар кўлами ҳамда бугунги журналистлар олдида турган муҳим вазифалар хусусида суҳбатлашдик.

— Юртбошимиз яқинда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан журналистларга йўллаган табрик хатида "... Бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз", деган эътиқод ва ғурур билан яшайдиган одамларни, журналистлар, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан" деб, ОАВ ходимларига жуда катта ишонч билдирди. Сизнингча, соҳа вакиллари бу ишончни бугун қай даражада ҳис қилмоқда?

— Бу гапни шахсан мен ижодкорларга нисбатан катта руҳий мадад ва айни пайтда журналистларимиз қаламни янада ўткирроқ қилиб чархлашлари керак деган даъват сифатида қабул қилдим. Энди бевосита саволингизнинг хулосасига келсак. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида давлатимиз унвонлари ва нишонлари билан тақдирланганлар рўйхатида журналистлар салмоқли ўринни эгаллайди. Кўплаб ҳамкасбларимиз «Олтин қалам» мукофотининг ғолиблари ва турли номинациялари совриндорлари бўлишмоқда. Наврўз байрами, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни, Мустақиллик байрами, Конституция куни ва бошқа муҳим саналар муносабати билан ўтказилаётган турли танловлар ғолибларининг номларини бу қаторга қўшсак, кўз олдимизда қандай манзара ҳосил бўлади?

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Талафотлар кўп



Афғонистоннинг Ғилмон вилоятида 8 нафар Буюк Британия аскари ҳалок бўлди. Хабарда айтилишича, улар портлаш туфайли ўлган. Воқеа тафсилотлари тўлиқ айтилмаган. Буюк Британия мудофаа вазирлиги маълумотларига қараганда, шу йилнинг 10 июлига қадар Бирлашган Қироллик Афғонистонда 184 нафар, Ироқда эса 179 нафар аскаридан айрилган.

Мамлакат бош вазири Гордон Браун вафот этган аскарларнинг яқинларига таъзия билдирар экан, ҳали олдинда машаққатли жанглар турганини таъкидлади. Унинг айтишича, Афғонистондаги халқаро кучлар ўз вазифаларини тўла бажармагунча мамлакатни тарк этмайди.

Ҳозир Афғонистонда 8 минг 300 нафар британиялик аскар хизмат вазифасини ўтамоқда.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

МУЛОҲАЗА

"Лимузин" обрў белгисими?

Яқинда пойтахтдаги туғруқхоналардан бирига йўлим тушди. Бир танишимнинг кўзи ёриган эди. Ўдакнинг аҳволи оғирлиги учун дўхтирлар уни зудлик билан махсус шифохонага юборадиган бўлишди. Боланинг ҳаётини сақлаш учун ҳар дақиқа ғанимат эди. Шу тобда туғруқхона ҳовлисига кетма-кет кириб келган бир жуфт "Лимузин" машинаси туфайли болани олиб кетишга шайланаётган шошилинч тиббий ёрдам машинаси шифохона ҳовлисидан ҳадеганда чиқиб кетолмай қолди.

Ҳайдовчилар то катта йўлдаги гавжум автомобиль қатновини сийраклатиб, ҳашаматли машиналарни ташқарига олгунларича, жарроҳлик орқали туғдирилган бемор боланинг онаси ҳушидан кетаёзди. Ўша лаҳзаларда мен бировларнинг ноўрин орзу-ҳаваси бошқаларга қимматга тушиши мумкинлигига амин бўлдим.

Уч оила яшайдиган бир хонали уйда рўй берган яна бир воқеани айтай. Шу уйнинг келини фарзанд кўрди. Қайнона кўп қаватли уйнинг хонадонларидан қарзга пул йиғиб, неварасини "Лимузин" машинасида олиб келадиган бўлди. Бор "томоша" кейин рўй берди. "Лимузин" машинасини кўп қаватли уй йўлагининг остонасига олиб кириш муаммога айланди. Уй томонга амаллаб бурилган ҳашаматли машина йўлак томонга қайрилишга ҳарчанд уринмасин, уддасидан чиқолмади. Йўлда тўсқинлик қилаётган чоҳлар ёпилди, бошқа тўсиқлар эринмай олиб ташланди. Ахийри машина ҳайдовчиси хизматига пул олмасликкаям рози бўлди! Шундан кейин ҳам чақалоқнинг ота-онаси "Лимузин"ни бўшатмас эди. Аслини олганда, уй билан туғруқхона орасидаги масофа 500-600 қадам ҳам чиқмаслигига нима дейсиз? Бу ҳангома анча вақтгача маҳалла аҳли учун "долзарб мавзу"га айланди.

Бугун туғруқхона ичкари эшигининг остонасига қадар тиралаётган хорижнинг ҳашаматли машиналари, ёш ота-онани дабдаба билан унга ўтказишлари, атрофида видеочи йигитлар, ясантусанга бурканган ёш яланглар...

6 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Хабарлар оқими

Халқаро кинофестиваль ўтказилди

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида "Кино ва телевидениеда спорт" деб номланган тўртинчи халқаро фестиваль бўлиб ўтди. Кино мутахассислари ҳамда телеижодкорлар орасида энг маҳоратлиларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилган ушбу нуфузли тадбирда мамлакатимиз ва хорижлик кино ижодкорлар қатнашдилар.

Режиссёр Ҳилол Насимовнинг "Фақат ғалаба" номли киноасари, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамда "Ҳасан-фильмс" хусусий киностудияси ҳамкорлигида суратга олинган "Чавандоз" картинаси, шунингдек португалиялик киноижодкорлар томонидан суратга олинган жаҳон футбол юлдузи Криштиану Рональдунинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи қизиқарли фильм-портрет, шунингдек, француз режиссёрининг Пекин олимпиадаси тадбирларига бағишланган ҳужжатли киноасари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент фестивалининг якуний натижаларига кўра, "Ўзбекфильм" ДУК кинооператори Анвар Авазхўжаевнинг "Олтин камарли паҳлавон", "Олимпия шоншуҳрати музейи" ҳамда "Пекин зафарлари" деб номланган ҳужжатли фильмлари Гран-при сазовор бўлди. Бундан ташқари, қўплаб иштирокчилар "Телевидениеда спортни тарғиб этган энг фаол иштирокчи", "Энг яхши ҳужжатли фильм-портрет" ва бошқа бир қатор номинацияларга бўйича мукофотландилар. Гран-при мукофотини қўлга киритган иштирокчи фестивалнинг Италияда бўлиб ўтадиган якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Абдуғани СОДИҚОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Танлов ғолиблари аниқланди

Жорий йилнинг 10 февралида республикамизда чоп этилаётган газета ва журналларда эълон қилинган, ўрмончилик ва унга оид масалалар ёритилган энг яхши материаллар учун журналистлар ўртасида танлов ўтказилиши эълон қилинганди. Танловга 2009 йил 10 февралдан 20 майгача (100 кун давомида) эълон қилинган очерклар, мақолалар, репортажлар, журналистик текширувлар, таҳлилий материаллар қабул қилинди.

Яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармасида ана шу танлов натижаларини эълон қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Муратбой Ганиев тадбирни кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг танловга тақдим этилган материалларни баҳолаш жараёни ҳақида ҳакамлар ҳайъати аъзолари ўз фикрларини билдирдилар. Танлов натижаларига кўра биринчи ўринга журналист Эргаш Иброҳимов лойиқ топилди. Шунингдек, бошқа ғолиб ва совриндорларга ҳам фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари топширилди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Манғитда янги нон цехи

Янги иш ўринларини яратиш борасида Амударё туманида доимий равишда кўплаб чора-тадбирлар кўрилаяпти. Жумладан, яқинда Манғитда нон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган янги цех қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хитойдан 14 миллион сўмлик асбоб-ускуналар келтирилиб, бир кеча-кундузда бир ярим тоннага яқин нон тайёрлаш йўлга қўйилди.

Натижада бир неча киши иш билан таъминланди. Ишчиларга барча шароит яратилган, ошхона ва дам олиш хонаси мавжуд. Келгусида бу ерда қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш ҳам режалаштирилмоқда.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Кутубхонада ҳуқуқий билимлар куни

Ҳафтанинг чоршанба куни Насафий номидаги Қашқадарё вилоят кутубхонасида ҳуқуқий билимлар куни деб эълон қилинди.

— Ҳар чоршанбада ҳуқуқий билимларни ўрганишга доир тадбирлар ўтказилаяпти, — дейди кутубхона директори Клара Дўсёрова. — Бу семинар ва суҳбатларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ва муассасалардан, турли ташкилотлар ҳамда ўқув юртларидан мутахассислар, олимлар таклиф қилинаяпти.

Яқинда кутубхонада ҳуқуқий билимларни такомиллаштиришга доир ҳар хил фойдали адабиётлар, қўлланмалар танланиб алоҳида залга қўйилди. Маънавият маскани ходимлари ташкилот ва муассасалардан мурожаат қилаётганларга ҳуқуқий адабиётларни танлашда ҳам кўмаклашмоқда.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Касалини яширсанг...

Раж Ибодуллаев текин даромад орттиришнинг осонгина йўлини ўйлаб топди. Аввал у ўзи раҳбарлик қилаётган "Урганч қурилиш пайванд сервис" масъулияти чекланган жамиятнинг давлатга тўланиши керак бўлган 75 миллион сўмлик пулини чўнтагига урди. Кейин эски МЧЖни тугатиб, 2008 йилнинг август ойида "Гамма савдо бирлашма сервис" номи билан янги МЧЖ ташкил этди-да, аввалги ишини давом эттирди. Масалан, у ўтган йилнинг ярмида жамиятда 228,9 миллион сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлса-да, бу ҳақдаги ҳисоботларни шаҳар давлат солиқ инспекциясига топширишни ўзига эп кўрмади. Устига-устак солиқ тўловларини тўлашни ҳам "ёдлан" чиқарди. Бундан ташқари, Раж Ибодуллаев "Урганч қурилиш пайванд сервис" МЧЖ орқали 24 миллион сўмликдан кўпроқ мажбурий тартибда сертификатланадиган сифат сертификатисиз товар модний бойликларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга улгуржи нархда сотиб юборган.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси қонунга зид иш юритган бу раҳбар устидан жиноий иш қўзғади.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Ватанимизнинг бахтли ёшлари

(Бошланиши 1-бетда.)

Таъкидлаш жоизки, юксак илмий салоҳиятга эга бўлган дорилфунунда 13 та (биология-тупроқшунослик, география, геология, журналистика, иқтисодиёт, кимё, механика-математика, тарих, фалсафа, физика, хорижий филология, ўзбек филологияси, ҳуқуқшунослик) факультет мавжуд.

Университет таркибида Олий педагогика институти, Амалий физика илмий текшириш институти, Олий адабиёт ҳамда Олий журналистика курслари, 2 та академик лицей, ўқув-амалиёт маркази, Ижтимоий тадқиқотлар маркази, Амалий экология ва табиатдан унумли фойдаланиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Миллий университет республика олий таълим тизимининг таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари учун бу ерда бакалавр босқичининг 34 ва магистратура босқичининг 116 йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлари тайёрланиб, таълим жараёнига татбиқ этилган.

Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган Ахборот-ресурс марказида Интернет тизимига уланган компьютерлар хизмати ташкил этилган. Бу ерда мавжуд компьютерлардан самарали фойдаланиш мақсадида факультетларда ўқув-ресурс марказлари ва компьютер синфлари ҳамда ҳар бири 60 ўринга мўлжалланган 2 та йирик компьютер зали ташкил этилган. Мазкур марказлар, синфлар ва факультет миқёсидаги тармоқлар университетдаги корпоратив тармоқ орқали Интернет тизимига уланган.

Бугун Миллий дорилфунунга ҳужжат топшираётган йигит-қизлар бу қутлуғ даргоҳнинг илмий салоҳияти, имкониятлари ҳақида "Ўзбекистон Миллий университети" кўп нусхали газетасининг махсус сони орқали ҳам танишишлари мумкин.

Бугун талаба бўлишни орзу қилган абитуриентлар бўлажак тест синовларига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Эзгу ниятлар билан келаётган иқтидорли, илмга чанқоқ ёшлар учун бу қутлуғ даргоҳда имкониятлар эшиги ҳамиша очиқ.

Тўлқин ЭШБЕК,
ЎзМУ Ахборот хизмати раҳбари.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

АРЗ

АЙБДОРЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛАДИМИ?

Ҳурматли таҳририят! Дардимни элга достон қилсамми ёки қилмасамми деб узоқ ўйладим. Аммо адолат мезони бузилиб, ўзимнинг камситилаётганимни сезиб, ҳақиқатни қарор топтиролмагач, охири қўлимга қалам тутишга мажбур бўлдим.

Мамлакатимизда тадбиркорларга катта имкониятлар яратила бошлангач, мен ҳам гарчи ҳарбий хизматдан III гуруҳ ногирони бўлиб қайтган бўлсамда, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилдим. Қишлоғимиздаги ташландиқ ҳолга тушиб қолган эски чойхона биносининг бир қисмини таъмирлаб, савдо дўкони ташкил қилдим. Шофиркон туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтгач, 2004 йил 25 сентябрда №2191-сонли гувоҳнома олиб атторлик моллари сотиш ҳуқуқига эга бўлдим. Шу тариқа қишлоқдошларимнинг узоғини яқин қилиб, керакли рўзғорбоп маҳсулотларни келтириб сотиб, савдо фаолиятимни тинчгина юритиб келаётган эдим.

Ҳамма гап 2008 йил октябрь ойининг 15 куни бошланди. Ўша куни дўконга кирсам, товарлар анча камайиб қолибди. Аввалига турмуш ўртоғим зарурат туфайли бирортасига бергандир-да деган хаёлда эътибор қилмадим. Аммо у ҳам ҳеч нарса билмаслигини айтганида кўнглимга шубҳа оралади.

2008 йил 13 декабр куни эди. Соат 19:00 ларда дўконда савдо қилиб турсам, ҳамқишлоқларим Ҳикмат Саидов ҳамда Фарруҳ Исматовлар кириб келишди. У-бу нарса харид қилишгач, улардан бири билса ҳазил, билмаса чин деб, 10 минг сўм турадиган уяли телефон батарейкасини чўнтагига солиб қўйди. Юрагим шув этиб кетди. Хаёлимга дўконда содир бўлган сирли ўғрилик келди. Наҳотки шулар бўлса, дея ўйлаб қолдим. Бунга қатъий ишонч ҳосил қилиш учун сир бой бермай, арқонни узун ташлашга қарор қилдим.

Орадан икки ойча ўтиб, март ойларида яна дўкондан айрим нарсалар йўқолди. Ўзингга эҳтиёт бўл деган мақолга амал қилиб, ҳамма нарсани қайтадан рўйхат қилиб, ёзиб чиқдим. Икки кун ўтиб, яна ўғирлик содир бўлди — бу сафар баъзи майда-чуйда моллардан ташқари 500 минг сўм пул ҳам йўқолди.

Участка нозири Ҳаким Саидовга мурожаат қилдим. У "Майли суриштириб кўраман, лекин ўзинг ҳам кечқурунлари ўғрини пойлаб ёт",— деди-да менга ўзининг кўл телефони рақамини берди. Участка инспектори айтгандай дўконнинг ички эшигини маҳкамлаб, кечқурунлари ўзим ҳам пойлоқчилик қила бошладим.

Ниҳоят, 2009 йилнинг 3 апрелдан 4 апрелга ўтар кечаси тунги соат учларда кимдир дўкон деразасини синдириб, панжарани бузди-да, ичкарига кирди. Бу ҳақда хабар бериш учун участка нозирига телефон қилаётсам, ўғри — Ҳикмат Саидов экан, у пайқаб қолиб, жон ҳолатда менга ташланди. Қўлидаги пичоқни кўкрак қафасимга санчди. Кейин бунга ҳам қаноат қилмай ўша ерда ётган тарози тоши билан бошимга урди. Шундан сўнг ҳушимни йўқотибман. Бу пайтда ўғри орқа эшикдан чиқиб, жуфтакни ростлабди. Анча вақт ўтгач, базўр ҳушимга келиб, қайинукамга телефон қилдим. У мени туман марказий шифохонасига олиб борди.

Навбатчи врачлар кўкрак қафасимни ва бошимни тикиб, менга тиббий ёрдам кўрсатишди. Лекин негадир суд-тиббиёт экспертизаси ходимлари аҳволим юзасидан хулоса беришмади. Шофиркон туман ИИБ ходимлари содир бўлган жиноят юзасидан суд-мед экспертиза бўлимига билдиришмаган, деб ўйладим. Гумоним тўғри бўлиб чиқди

Ўша куни туман прокурори Ҳ.Баҳронов номига шикоят аризаси ёзиб, турмуш ўртоғим Муножот Маъмуровадан бериб юбордим. Аммо прокуратура ходимлари аризани қабул қилишмабди. Ниҳоят, акам Умуржон 6 апрель куни аризамни бир амаллаб топширишга эришади. Лекин ўшандан буён ҳам мана шунча вақт ўтаяптики, суд-мед экспертиза ходимлари кўригидан ўтганим йўқ. Мен учун елиб-югураётган акамга туман ИИБ участка нозири Ҳаким Саидов ва туман ИИБ терговчиси Дониёр Ҳаққуловлар дўқ-пўписа қилиб: "Укангнинг тирик қолганига шукр қил. Ишига аралашма, акс ҳолда сенинг аҳволинг ҳам оғир бўлади", дея маҳкамадан чиқариб ҳайдашибди. Бу кўргуликларга дош беролмаган отам Исроил Саидов қон босими касаллигига дучор бўлиб, анча вақт шифохонада даволанишга мажбур бўлди.

Жорий йилнинг 14 май куни участка нозири мени ва турмуш ўртоғимни кабинетига чақириб, менга: "Вилоят ИИБ бошқармасидан одам келган. Ҳикмат Саидов билан яраштинглар, акс ҳолда мен ишдан кетаман", — деб илтимос қилди. Табиийки, кўнмадик. Шундан кейин менга нисбатан ҳар хил тазйиқлар бошланди. Терговчи Д.Ҳаққулов ўзи айтганини тушунтириш хатида ёзишимни ва имзо қўйишимни қатъий талаб қилди. "Агар қўймасанг, ҳозир эшикни ёпаман, сен ҳам хотининг ҳам кўчага чиқолмайсан", деб дўқ-пўписа қилди. Биз барибир рози бўлмай, хонадан чиқиб кетдик.

Шундан буён бу масалани ҳал қилиш учун қаерга боришимни, кимга мурожаат қилишимни билмай овораи сарсонман. Бирдан-бир ниятим —жиноятчилар қилмишларига яраша жазоларини олишса. Ахир, токайгача, кўза синдирган азиз-у, сув келтирган хор бўлади.

Учқун ТЎЕВ,
Бухоро вилояти
Шофиркон туман
Суғут қишлоғи.

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ТУРОН БАНК"

миллий ва хорижий валютада қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

Омонат тури	Омонат муддати	Йиллик фоиз (%)	Асосий шартлар
Миллий валютадаги омонатлар			
КАФОЛАТ	10 кун	18%	Ҳар ойнинг 25-санасидан кейинги ойнинг 5-санасигача қабул қилинади. Омонатнинг асосий шарти омонатчининг омонат қўйиш даврида ёши 54 дан кам бўлмаслиги керак.
НУРОНИЙ	3 ой	18%	
ИМКОНИЯТ	1 ойдан 1 йилгача	18%	Омонат бўйича тўланадиган фоиз даромадларини олиш муддатларини омонатчи мустақил белгилайди.
ҲАМКОРЛИК	12 ой	18%	Омонатчи топшириғига асосан фоиз суммаси коммунал тўловларга ўтказилади. Омонатчи барча коммунал тўловларидан қолган фоиз даромадларини ҳар ойда олиш ҳуқуқига эга. Агар фоиз даромадлар ҳар ойда олинмаса, капиталлашмайди. Омонат муддати тугагандан сўнг омонатчига 3% бонус тўланади.
САРМОЯ ПЛЮС	6 ой	18%	Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда капитализация қилинади.
БАРҲАЁТ	2 ой	26%	Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади
БАҲОР	3 ой	30%	Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади
Чет эл валютасидаги омонатлар			
"OPTIMA"	1,3,6,12 ой	7%	Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин АҚШ долларида тўланади. Омонат суммаси чекланмаган.
"MEROS"	12 ой	7%	Омонат балоғатга етишига бир йил муддат қолгангача бўлган ёшлар номига қабул қилинади. Фоиз омонатчи 16 ёшга тўлганидан сўнг АҚШ долларида берилади. Йиллик капитализация билан.
"UNIVERSAL"	3,6,9,12 ой	АҚШ долларида – 9% ЕВРОда – 6% Англия фунт стерлингида – 3%	Омонат АҚШ доллари, Евро ва Англия фунт-стерлингида қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда бўнак шаклида ёки омонат муддати тугагандан кейин миллий валютада тўланади. Омонат валютасини омонатда кўзда тутилган бошқа хорижий валютага конверсия қилиш имкони мавжуд.
"BONUS PLUS"	6,12,18 ой	9%	Омонатнинг қўйилган муддатига қараб, омонатга қўшимча фоизлар қўшиб ҳисобланади. 6 ой муддатга 9,0%+ 1,0% йиллик фоиз; 12 ой муддатга 9,0%+ 2,0% йиллик фоиз; 18 ой муддатга 9,0%+ 3,0% йиллик фоиз; Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан кейин АҚШ долларида тўланади.

Омонатларга қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди.

Омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.

Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобваракларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўланишининг жиноятчи кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади.

Қўшимча маълумотларни: (+99897) 700-55-55 телефонидан ёки www. turonbank.uz сайтидан олишингиз мумкин.

ХАТ

Уч йил олдин яхши ниятлар билан узумзор-боғ майдонини сотиб олган эдик. Аммо ўтган йилдан бошлаб ишимиз орқага кета бошлади. Гарчи туман сувдан фойдаланувчилар уюшмаси билан шартнома тузиб, бадалларини ўз вақтида тўлаб бораётган бўлсак ҳам ариқларимизда оби ҳаёт оқмай қўйди, токзорларимизга қишки яхоб сувини беролмадик. Бунга сабаб фермер хўжалигимиз жойлашган Пастдарғом туманидаги Н.Казимов номли агрофирма раиси Шариф Райимқулов "боғларни кенгайтирамиз", — деб еримизни тортиб олмоқчи бўлганида қаршилик қилганимиз бўлса керак. Агрофирма раиси ўшандан буён биздан аламини олишнинг турли усулларини ўйлаб топаяпти.

"ҲОТАМТОЙ" РАИСНИНГ УСТАМОНЛИКЛАРИ

Гарчи оддий фермер бўлсам ҳам оқ-қоранинг фарқига бораман. Юртбошимизнинг 2008 йил 6 октябрдаги "Фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштириш ва йириклаштириш тўғрисида"ги фармойиши ўз вақтида қабул қилинди. Бизга алам қиладигани шуки, агрофирма раҳбари Ш.Райимқулов на қонунга амал қилади, на чин юракдан меҳнат қилганни билади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг у: "Агрофирма" меники, кимга хоҳласам ерни ўшангга топшираман, ким билан ишлашни мен танлайман, ўз ихтиёрларинг билан яхшиликча ерни топширинглар", дея таҳдид қилишдан чарчамаяпти. Ахир, бу юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни нотўғри талқин қилиш эмасми? Устингиздан тегишли жойга мурожаат қиламиз десак, у киши бизга "хоҳлаган жойларингга боринглар, қўлларингдан ҳеч нарса келмайди", деб нафсониятимизга тегадиган гапларни айтмоқда.

Бу масалада туман ҳокими Расул Йўлдошевга мурожаат этганимизда, ҳоким: «Буни мен ҳал қилмайман», — деб бизга ёрдам беришдан очиқчасига бош тортди. Шундан сўнг, вилоят ҳокими номига ариза билан мурожаат қилдик. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳусан Бўриев келиб, аҳвол билан танишди. Кейин тўсатдан ҳокимлик вакили Ғулом Намозов билан бирга фермер хўжалиги ташкил этилгани ҳақида тузилган шартномани бекор қилиб, туман ҳокими номига ўз ихтиёрим билан ариза ёзиб беришимни талаб қилди.

Айтаман десам бошқа муаммолар ҳам қалашиб ётибди. Масалан, бизнинг "Машъал — Гулхан — Оловуддин ММТП" ҳудудида аввалари (ширкат даврида) каналдан сув чиқариш учун 3 та насос бўларди. Бу насослар ҳамда агрофирма тасарруфидаги мавжуд техникалар, шийпон ва гаражнинг ўрни, сув тўплаш иншооти (башня) қуришга мўлжалланган ер майдони раиснинг кўрсатмаси билан одамларга сотиб юборилди. Яна битта шийпонни эса "ҳотамтой" раис қизига уй-жой қилиб расмийлаштириб берган. Қишлоқда қурилаётган спорт майдонига ажратилган қурилиш материаллари, узум солиш учун махсус қути ясаладиган цех ва унинг асбоб-ускуналари ҳам сотилиб, кимларнингдир чўнтагини қаппайтирди. Маҳалламиз оқсоқоллари қишлоғимиздаги собиқ ширкат хўжалиги идорасини поликлиника қилишни сўраб ҳокимликка чиққан эди, лекин туман ҳокими бу талабни ҳам рад этди. Кейин билсак, Ш.Райимқулов бу бинони ҳам аллақачонлар эгаллаб олган экан. Хуллас, бу адолатсизликлар ҳақида кимга мурожаат этишимизни билмай роса бошимиз қотган.

Дилфуза ХУРСАНДОВА,
Пастдарғом туманидаги
"Гулчеҳра Хурсандова
файзли боғ"
фермер хўжалиги
раҳбари.

ЖАРАЁН

ДЕНОВ — ҚАДИМИЙ ШАҲАР

ФАХР

Академик Г.А.Пугаченковнинг "Холчаён" номли китоби ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида чоп этилган. Китоб милоддан аввалги III-I асрларда тараққий этган, ҳаттоки гуллаб-яшнаган манзил, бугунги ибора билан айтганда, бир шаҳар ҳақида маълумотлар беради ва бу шаҳарнинг номини Холчаён деб атаган муаллиф тафсилотларини баён қилар экан ўша замонда ёки милоддан бироз аввал ёзилган бирон-та ёзма манбага суянмайди. Муаллифнинг асосий манбаси — археологик қазишлар чоғи топилган тангалар, тақинчоқлар, уй-буюм жиҳозлари, хумдон, қабристонлар, устунларнинг таг курсилари, пойдеворлар, хуллас йигирма уч асрдан бери тупроқ тагида ётган буюм — ашёлар.

Олимлар Холчаённинг қуйироғида, Сурхон дарёсининг Қизилсув дарёси билан қўшилган жойидан "Будрач" деган қадимий истиқомат манзили — шаҳар қолдиқларини топишди. Мутахассислар "Будрач"ни буддага нисбат беради. Демак, милоддан илгари бу ўлкаларда буддавийлик алоҳида мавқега эга бўлган. Бу манзилдан Қизилсув дарёси бўйлаб юқорига юрсангиз Денов Тупроққўрғонининг пойидан чиқасиз. Дарё тошқинлари ювиб кетиши натижасида ўпирилишлар чоғи чиққан ашёларга қараб олимлар бу Тупроққўрғон милоднинг III-IV асрларида барпо этилганини тахмин қиладилар. Икки дарё оралиғидаги ана шу уч нуқтани бирлаштирсангиз катта учбурчак ҳосил бўлади. В.В.Бартольд қадимги, яъни милоддан илгари дунёга келган Чағониён давлатининг пойтахти ана шу учбурчакнинг ичида жойлашган дейди. Бу фикрни муаррих Маҳмуд ибн Валининг "Ҳудуди Чағониёнки имруз ва Дехинав машҳур аст" деган сўзлари билан далиллайди: Чағониён давлатининг маркази ҳозирги Денов шаҳрининг ўрнида, Тупроққўрғон жойлашган ерда бўлган деган фикрга келиш учун бизга шу гапларнинг ўзи кифоя қилади. Бундан ташқари В.В.Бартольд тадқиқ қилган бошқа манбаларда ҳам Чағониён давлатининг маркази Термиздан 24 фарсах, бундан Чағонруд (Сурхон дарёси) оқиб ўтиши алоҳида таъкидланганига эътибор қаратиш ҳам Маҳмуд ибн Валининг юқорида таъкидлаган сўзларини тасдиқлайди.

XX асрнинг 60-йилларида Холчаён қисман тадқиқ қилинди — милоддан илгариги тарихий обидаларнинг устига ҳозир турар-жойлар қурилган. Будрач харобалари ҳам экинзорларга айлантирилган. XX асрнинг охирларида ташқи томони ер билан яксон бўлган Тупроққўрғон эса деярли тадқиқ қилинмаган. Бир ярим минг йил илгари қурилгани тахмин қилинган бу тарихий обида ўтмишига нафрат туйғусини яққол ифодалаш учун узоқ йиллар мол бозори қилиб қўйилди. Тупроғидан эса ҳозир ҳам шаҳарда лойсувоқ сифатида фойдаланилмоқда...

Нақшбандия тариқатининг тарғиботчиси ва намояндаси Хожа Алоуддин Аттор ҳазратларининг Бухорои шарифдан келиб, Деновни ихтиёр этиши ва умрининг сўнгги кунларигача бу қутлуғ масканда истиқомат қилиб қолиши ҳам Аллоҳнинг ёрдами бўлди. Бу табаррук зотнинг атрофидаги 18 фарсахни асрашга кафилман деган нидолари доим қулоғимизнинг тагида жаранглаб тургандай бўлади.

Адиб Мингзиё Сафаров шундай ёзади: "Қадимги Чағониён давлати араблар ҳужумини бир неча бор қайтарди. Қутайба бошлиқ араб лашкарлари 712 йилда Чағониёнга бостириб кирган эди. Бироқ улар қаттиқ қаршиликка учрадилар. Лекин барибир араблар Чағониён давлатини босиб олишди. Орадан юз йиллар ўтгач, Чағониён яна ривожлана бошлайди. Чағониён мўғуллар ҳужумига қадар энг тараққий этган бой мамлакатлардан бири бўлган эди".

XII асрнинг улуғ намояндаси Низомий Арузий "Мажмаънун наводир" номли китобида шуларни ёзади: "Фаррухий сейистонлик бўлиб, Халиф ибн Бонуга қарашли Ғулом Жулугнинг ўғли эди. Истеъдоди юксак даражада бўлиб, шеърни яхши ёзарди. Чанг ҳам чаларди. У сейистонлик деҳқонлардан бирининг мулкида ишлар, деҳқон эса унга ҳар йили беш манликдан икки юз кайл ғалла, юз дирҳам Нухий кумуш пул берар эди. Бу нарсалар унинг сарф-харажатларини қоплаб турар эди.

Фаррухий Халаф яқинларидан бирига уйлангач, харжи ошади ва бўйнига олахуржин тушиб, фақирлашиб қолади. Сейистонда эса унинг амиридан ўзга амир йўқ эди. Шунда Фаррухий деҳқонга: "Менинг сарфу-харажатларим кўпайди, деҳқон

Либосим ипи дилим,
матоси эса жондан...

Чағонийлар саройига етиб келган вақтда баҳор фасли бўлиб, амир (отларга тамға босиладиган) доггоҳда эди. Эшитишимча, унинг ўн саккиз минг бияси бўлиб, ҳар бир биянинг орқасида тойчоғи бор эди. Амир ҳар йили доггоҳга чиқар ва тойчоқларни тамғалатар эди.



лутфу-карам қилиб, ғаллани уч юз кайлга, кумуш пулни бир юз дирҳамга оширса, шунда менинг харажатимни қоплайди", деб илтимосномага ёзади. Деҳқон эса илтимосноманинг орқасига "Хоҳласанг аввалгича ҳақ бераверамаи, ундан оширишга имкониятим йўқ!" деб жавоб ёзиб юборади.

Фаррухий буни эшитиб ғамга ботади. У келиб-кетувчилардан оламнинг бошқа ерларида бирорта мўътабар кишининг бор ёки йўқлиги ҳақида суриштира бошлайди. Агар бўлса, ўша кишининг ҳузурига бормоқчи бўлади. Охири Чағониёнда амир Абдулмузаффар Чағоний борлиги, у бундай тоифадаги одамларни тарбият қилиши ва бу хилдаги кишиларга ҳадя ҳамда қимматбаҳо совғалар инъом этиши, ҳозирги пайтда аср подшолари ва замон амирлари ичида бу соҳада унга тенг келадигани йўқлиги ҳақида хабар топади. Фаррухий бир қасида ёзади-да, ўша томонга қараб равона бўлади:

Либос карвони билан
жўнадим Сейистондан,

Амирнинг кадхудоси амид Асад саройда қолган бўлиб, амирга олиб бориш учун зиёфат неъматларини ҳозирлар эди. Фаррухий унинг ҳузурига келиб қасидасини кўрсатди. Хожа амид Асад фозил киши эди ва шоирларни ёқтирарди. Фаррухийнинг шеърлари ёқимли, чиройли ёзилгани, аммо унинг ўзи беўхшов, либосининг орқа-олди йиртилган, бошида катта сейистоний салла, кавуши эски, оёғи кир, шеъри эса юксакликда еттинчи осмонда эканини кўриб, мазкур шеърларни сейистоний ёзганига ишонмади. Уни синаб кўриш мақсадида: "Амир ҳозир доггоҳда, мен унинг ҳузурига бормоқчиман, сени ҳам ўзим билан бирга доггоҳга олиб кетаман. Доггоҳ шундай чиройли жойки, сен унда сабзалар оламидаги бошқа дунёни кўрасан, ҳамма ёқда чайлалар, юлдуз каби чироқлар. Чодирларнинг ҳар биридан руд овозлари келади, дўстлар жам бўлиб, шароб ичишади ва базму ишрат қуришади. Амирнинг доггоҳи олдида ҳар бири осмонга ўрлагудек гулхан ёқилган бўлади. Бу ерда тойчоқларга тамға босишади. Подшонинг эса бир қўлида шароб, бир қўлида каманд. Шароб ичиб, одамларга от инъом қилади. Шу ҳолга мослаб қасида ёз, доггоҳни васф қил, сўнг сени ҳам ўзим билан бирга амирнинг хузурига олиб кетаман!" дейди.

Фаррухий чиқиб кетади ва тунда ажойиб қасида ёзиб, тонг саҳарда Хожа амид Асад ҳузурига келади. Ўша қасида мана будир:

Кўк ҳаридан юзига ёпгач
рўмолни сабзазор,
Етти хил ранг парнаёни
бошга солди кухзор...

Хожа амид Асад бу қасидани эшитиб ҳайрон қолди. Негаки, бунга ўхшаган қасидани асло эшитмаган эди. У барча ишини йиғиштириб, Фаррухийни отга миндиради-да, амир сари равона бўлади. Кун ботиш олдида амирнинг ҳузурига етиб келиб, унга "Эй, олампаноҳ, сенга бир шоирни олиб келдим. Дақийқий юзини тупроқ ниқоби билан яширгандан буён ҳеч ким бундай кишини кўрмаган!" дейди-да, бўлган воқеани айтиб беради.

Амир Фаррухийни ўз ҳузурига киришга рухсат этади. Фаррухий унинг ҳузурига кириб таъзим қилади, амир қўлини чўзиб ўтириш учун жой кўрсатади, ҳолаҳвол сўраб, эъзозлайди, илтифотлар кўрсатади. Фаррухийнинг кўнглида умид учқунларини ёндиради. Қадаҳ ўртада бир неча бор айлангач, Фаррухий ўрнидан туриб, хазин аммо ёқимли овоз билан бу қасидани ўқийди:

Либос карвони билан
жўнадим Сейистондан...

У қасидани ўқиб бўлгач, шеърни яхши тушунадиган ва ўзи ҳам шеър ёзиб юрадиган амир бу қасидага лол қолганини айтади. Амид Асад: "Эй олампаноҳ, сабр қил, ҳали бундан ҳам яхшироғини эшитасан!", — дейди.

Шундан сўнг Фаррухий то амир маст бўлмагунча ҳеч нарса демай, жим ўтиради. Кейин ўрнидан туриб, доггоҳ ҳақидаги қасидасини ўқиб беради. Амир қаттиқ ҳайратга тушади ва ҳайрат ичида Фаррухийга қараб дейди: "Минг тойчоқ олиб келишган. Ҳаммасининг юзи оқ, оёқлари ҳам оқ, Хатлон зотидан. Сенга ихтиёр бердим, сен Сейистонийсан, чапдаст кишисан, қанча тутолсанг тут, бари ўзингники бўлади!"

Шароб Фаррухийга қаттиқ таъсир қилган ва уни тамоман элитган эди. У ташқарига чиқади, бошидан салласини олиб, ўзини от уюри ичига ўради, бир гала тойчоқларни олдига солиб, дашт томон қувиб кетади. У ўнгу сўлга югурар, тойчоқларни тинимсиз қувар, аммо бирортасини ҳам тута олмас эди. Охири ўрда ёнидаги вайрона работга дуч келади. Тойчоқлар ўзларини работ ичига уришади. Фаррухий қаттиқ чарчагани учун боши остига салласини қўйиб работнинг йўлагида қаттиқ уйқуга кетади.

Тойчоқларни санашса, улар қирқ иккита экан. Буни амирга хабар қиладилар. Амир роҳат қилиб кулади, сўнг таажжубланиб дейди: "Толейи қулган киши экан! Уни ҳамда тойчоқларни эҳтиёт қилинглар! Уйғониши билан менга хабар беринглар!" Подшоҳнинг амрини бажарадилар. Эртаси куёш чиқиши билан Фаррухий уйқудан туради. Амир ундан олдинроқ уйғониб, бомдод намозини ўқиб бўлган эди. У Фаррухийни қабул қилиб, мехрибонликлар кўрсатади. Тойчоқларни эса унинг одамларига топширади. Амир Фаррухийга ясатилган от, иккита чодир, учта хачир, бешта қул, кийиш учун либос ва тўшаш учун гилам инъом қилади. Унинг хизматида Фаррухийнинг ишлари юришиб кетади ва аъло даражага етади.

Сўнгра у Яминуд Давла Маҳмуднинг хизматига боради. Султон Маҳмуд унинг шон-шавкатини кўргач, ҳурмат назари билан боқади. Шон-шавкатни шу даражага етказадики, уни йигирмата кумуш камарли ғулом отда кузатиб борадиган бўлади."

Бу тафсилотлар талқинга муҳтож эмас деб ўйлайман. Муҳими Чингизхон боскинидан олдин чағониёнликларнинг қандай одамлар бўлишгани ва улар қандай истиқомат қилишганидан мисол.

Муаллифи аниқланмаган, аммо 982 йили ёзилган "Ҳудуд-ул-олам" китобидан: "Чағониён — (бир) хароб ноҳия, (бироқ) катта ноҳия, экинзорлари кўп. Деҳқонлари эринчоқ, дарвешлар жойи, лекин ноз-неъматлари кўп. Одамлари жанговар ва ботир. Бу ноҳиятнинг ҳавоси тоза, ери ҳосилдор ва сувлари яхши, у ерда йилқи боқилади, чакмон, гилам-тўшак ва кўплаб заъфарон тайёрланади. Бу ноҳиятнинг подшоси мухторият (ҳуқуқига эга) ҳокимлардан ҳисобланади ва уни Чағониён амири дейдилар!"

Яна шу китобдан: "Чағониён — катта шаҳар, тоғ этагида жойлашган. Ушбу ноҳиятнинг бош ва марказий шаҳри, оқарсувли ва ҳуш ҳаволи бир жой, одамлари дарвеш."

Манбаларда мавлоно Яъқуб Чархий ҳазратларининг бир муддат Деновда истиқомат қилганлари ҳақида маълумотлар бор: ҳар қалай "Гул танламай сайраган у қандай булбул экан!" сингари қанотли ибораларнинг катида гап кўп-да!

Деҳқонларнинг айтишича, ҳар қандай азамат дарахтнинг ҳам бўйи унинг томирига баробар бўлар экан. Деновнинг бугунги салобатини унинг қадим тарихи билан изоҳлаган маъқул деб ўйлаймиз. Ўзингиз биласиз, илдизлари чуқур бўлмаган дарахтни салгина ҳамла билан йиқитиш мумкин.

Тоғнинг устида турган одам унинг юксаклигини ҳис қилмагани сингари Деновда истиқомат қилиб турган киши бу шаҳарнинг қадимийлигини доим ҳам англаб етавермайди. Унга бошқаларнинг кўзи билан ёки четдан қараш керак. Шунда у бутун салобати билан намоён бўлади. Деновда аллақандай жозиба бор ва у ижтимоий маъно моҳиятига эга. Бутун умрини Далварзинтепа билан Холчаённи ўрганишга бағишлаган академик Эдуард Ртвиладзе билан археолог Баҳодир Турғунов якинда Деновга келишди. Ва қизғин суҳбатларнинг бирида Деновнинг ўтмиши милоддан аввалги III асрга бориб тақалиши, балки ундан ҳам қадимийроқ эканини далиллар билан исботлаб беришди.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

АКС-САДО

Тайёргарлик бугундан бошланиши керак

("Омадга эришмоқ учун... орзунинг ўзи камлик қилади", "Hurriyat", 2009 йил 1 июль)

ИНТЕРВЬЮ

ОМАДГА ЭРИШМОҚ УЧУН...

орзунинг ўзи камлик қилади

Катта бир салтанатнинг шоҳи шикордан қайтаётганида қариб-мункиллаган бир чолнинг кўчат экаётганини кўриб қолибди. Ҳайратланиб, ундан сўрабди: — Эй чол, бу ниҳол қачон бўй чўзади-ю қачон мева тугади. Ахир, бир оёғингиз гўрда бўлса, яна недан умидвор бўлаяпсиз?

Чол шоҳга дебди:

— Ҳазратим, қулингиз, бу ниҳолнинг мевасидан заррача умидвор эмас. Аммо инсон фақат бугунини ўйламоғи адолатданмикан? Бунинг мевасини мен емасам, болаларим, набираларим ҳамда шу ердан ўтадиган йўловчилар ейди, саратоннинг жазирамасида соясида дам олиб, ҳордиқ чиқаради-ку.

Шоҳ бундай оқилона жавобга қойил қолиб, чолга бир тилла танга инъом этибди. Чол мийиғида кулганча уни қабул қилиб олибди. Шоҳ ҳайратланиб, нега кулаяпсиз, деб сўрабди.

Чол тангани шоҳга кўрсатиб дебди:

— Султоним, ҳайратингиз бекорга экан. Баъзилар ниҳол экиб, унинг мева тугишини йиллаб кутади. Мен эса ниҳолни экишим билан ҳосилини олдим.

Шоҳ бу жавобдан янада завқланиб, яна бир тилла танга ҳадя этибди. Чол яна кулиб қўйибди. Шоҳ яна қизиқиб сўрабди:

— Тағин нега кулаяпсиз?

— Шоҳим, — дебди чол, — одатда ниҳол қўкка бўй чўзиб, мевага киргунича боя айтганимдек йиллар ўтади. Ўшандаям йилига бир марта ҳосил беради. Камина эса ерга ниҳол қадашим билан икки марта ҳосил олишга улгурдим.

Шоҳ хурсанд бўлиб бу доно чолга кўпдан-кўп совғалар берган экан.

Албатта, бу бир ривоят. Аммо ўзбек футболи ҳақида ўйлаганимда шу ривоят ботбот хаёлимга келаверади. Бунинг ўзига хос сабаби бор . 1998, 2002, 2006 йилда ҳам бир хил манзара такрорланди. Маълумки, ҳар гал жаҳон чемпионатига чиқамиз деб ҳаракат қиламиз, уринамиз. Ҳафсаламиз пир бўлгандан кейин эса... Гўё чиндан ҳам ҳаммаси тугаганга ўхшаб қолади. Навбатдаги жаҳон чемпионати эшик қоқиб келганда эса апил-тапил ўйинчиларни тўплаб, тағин "жанг"га отланамиз. Орзулар улкан, ниятлар қутлуғ бўлса ҳам тажрибасизлик барибир панд бериб қўяверади.

Футболчиларимизга ва футболимиз мутасаддиларига юқорида келтирилган ривоятдаги боғбон чолнинг келажакка умиди каби ишонч, тўғрироғи, барвақт ҳаракат қилиш кўникмаси етишмаётгандек, назаримда. Навбатдаги саралаш ўйинлари бошлангунича қўлни қовуштириб ўтирмасдан, кейинги баҳсларгача футболчиларимизда фидойилик ва ўзига бўлган ишонч туйғуларини шакллантириш лозим. Фидойилик — ватанпарварликдан туғилади, ишонч эса тажрибадан яралади. Шунинг учун Европанинг, Жанубий Американинг гранд жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказиш, кўпроқ тажриба алмашиш лозим. Шунда бизникилар ҳам 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига борадилар. Бунинг учун эса тайёргарликни бугундан бошлаш зарур.

Бекзод ҚЎЗИЕВ

ҲОЛАТ

МЕРОСХЎРНИНГ «ЎЙИН»И

ёки қонуний уй сотиб олиб, куйиб қолган фуқаро хусусида

Чилонзор туманидаги 19-квартал, 11-уй, 6-хонадон Сарбиямал Петрушовага тегишли бўлиб, у ўғли Владислав билан бирга яшар эди. 2005 йилнинг сентябрида она вафот этади.

Шундай кейин унинг мулки бўлган ушбу хонадон ўғли В.Петрушовга мерос бўлиб қолди. Кўп ўтмай Владислав уйни сотиш тараддудига тушиб, бу ҳақда фуқаро Малика Акильбековага мурожаат қилади. Ўзаро келишувга кўра, 2006 йил 14 апрелда мазкур хонадон Маликанинг онаси Галина Акильбековага сотилиб, нотариус орқали расмийлаштирилади. 2006 йил 16 августда эса Галина Акильбекова ўзининг номидаги ана шу уйни фуқаро Оқилбек Муратовга сотади.

Бошпана — ўз уйига эга бўлган Оқилбек Муратов хурсанд. Икки хонали квартирали бўлди. Энди яхшилаб ремонт қилиш керак. Ундан кейин кўчиб киради. Таъмирлашни бошлаб юборди. Ширин хаёлларда юрган Оқилбек Муратовнинг орзулари сароб бўлди.

Гап шундаки, 2007 йил апрель ойида Владислав Петрушов ва унинг хотини Эльвира Ни судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, уй-жой олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва уйни ўзларига қайтариб беришни сўради. Даъвода айтилишча, гўёки Малика Акильбекова уйни Владиславдан алдов йўли билан олганмиш. Владислав даъвосида ишончномани Малика Акильбековага расмийлаштирганда ўз хатти-ҳаракатини тушунмаганини, мастлигини, нотариус номига ёзилган аризани ўзи ёзмаганини, сотилган уй эвазига Акильбековадан бир сўм олмаганини, қолаверса, бу уйга акаси Валерий Петрушов ҳам меросхўр эканини кўрсатган. Владиславнинг хотини эса унинг розилигисиз уй сотилганини, бу уйда унинг ҳам улуши борлигини кўрсатиб ўтган.

Жавобгарлар — Малика Акильбекова ва унинг онаси Галина Акильбекова ёзилган ариза айнан Владислав Петрушов қўли билан ёзилган, деб хулоса чиқарди.

Аммо фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди Петрушов Валерийнинг меросга бўлган қонуний манфаатларини бузилган деб ҳисоблаб, олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топди. Оқилбек Муратовнинг апелляция тартибида берган шикояти қаноатлантирилмади.



Ваҳоланки, бу масалага қонуний жиҳатдан ёндашганда Владислав акаси Валерийнинг меросга бўлган ҳуқуқини ноқонуний эгаллаган. Аслида бундай вазиятда Валерий укаси Владиславга нисбатан даъво қўзғатиб, ўз улушини талаб қилиши керак эмасмиди? Қизиқ томони шундаки, Валерий судда қатнашмаган. Судда унинг манфаатини инсофсиз уканинг хотини Эльвира Ни ҳимоя қилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Валерий Яккасарой туманида алоҳида уйда яшайди. У онасининг вафот этганини билади, маросимларида қатнашган. Қандай қилиб у онасидан қолган мерос — квартира сотилганини билмаган бўлиши мумкин?

Владислав Петрушов онасининг вафотидан қарийб икки йил ўтгач, Валерийнинг меросхўр экани «эси»га тушгани, онасидан қолган квартирани сотишда «адашгани» ва унинг бошқа важлари алаҳсирашга ўхшаб кетади. Унинг ана шу хилдаги пойинтар-сойинтар гап-сўзлари кўпчиликнинг овора бўлишига, қайта-қайта экспертиза ўтказилишига сабаб бўлди. Энг ёмони, бундан Оқилбек Муратов ҳам уйидан, ҳам пулидан айрилиб қолди. Тўғри, суд қарорида шартномалар ҳақиқий эмас деб топилгач, олинган мулкни бир-бирига қайтариш белгиланган. Унга кўра, Владислав Петрушов Галина Акильбековага 3500000 сўм, ўз навбатида Галина Акильбекова Оқилбек Муратовга 14700000 сўмни қайтариши лозим.

Мана, суд қарорининг чиққанига ҳам бир йилдан ошди. Аммо шу кунгача Оқилбек Муратовга бир тийин ҳам қайтарилгани йўқ. Бунинг асосий сабаби шундаки, пулларни қайтариши керак бўлган Владислав Петрушов ҳам, Галина Акильбекова ҳам ҳеч жойда ишламайди, пенсионер. Устига-устак уларнинг сотиш учун арзигулик молмулки ҳам йўқ. Оқилбек Муратовнинг эса боши қотган. У Галина Акильбековадан пулларини қачон олади, неча йилда?

Агар Галина Акильбекованинг пенсионер эканини ҳисобга олсак, Оқилбек Муратовга 14700000 сўмни тўлаши учун камида 10 йил керак!!! Бўлмаса 15, ҳатто йигирма йил кутади.

Қолаверса, Оқилбек Муратов уйни таъмирлашга ҳам анча пул сарфлаган. Ана шу харажатларни ким қоплайди? Унинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ким ҳимоя қилади? У уйни қонуний асосда сотиб олган эди. Энди унинг ҳуқуқларини ким ҳимоя қилади?

Равшан ШОДИЕВ,
журналист.

ЖИНОЯТ

Хизмат мансабини суиистеъмол қилди

Инсон билиб-билмай хато қилиши мумкин. Аммо вазифасидан фойдаланиб, таъмагирлик қилган ва пора олган шахслар нафақат қонун олдида, балки ўз виждони олдида ҳам ҳисоб беришлари шарт. Ва бу қилмишни оддий хато деб ҳам бўлмайди. Таъмагирлик — энг ёмон иллат.

Ходимларимиз томонидан фуқаро Н.Мирзабековнинг аризасига асосан "Тошкент шаҳар ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат муассасаси Бектемир тумани бўлимида ўтказилган тезкор тадбирда ушбу муассаса етакчи мутахассиси И.Умурзоқов ўз хизмати ва мавқеидан фойдаланиб, таъмагарлик йўли билан пора олишни мақсад қилгани аниқланди. Шу мақсадда у Н.Мирзабековга тегишли бўлган, қурилиши тугалланмаган уй-жой иншоотини сотиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириб бериши учун 2000 АҚШ доллари талаб қилади. Кимнингдир корига яраяпти-ку, деган сохта юпанч пул дарди билан қоришиб И.Умурзоқовни ўз домига тортди. Натижада у жиноятга қўл урди. Келишилган куни соат 16.30 ларда И.Умурзаков 2000 АҚШ долларини олган вақтда далилий ашёлар билан қўлга олинди. Айбдорга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ойбек ГАИПОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси СОЖАБЭОО бўлими бошлиғи ўринбосари.

ҚИЛМИШ

Бировнинг ҳаққи буюрмас

Бугун ҳаётимизни автомашиналарсиз тасаввур қила олмаймиз. Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилувчи шаҳар транспортида эса кундан-кунга янги-янги йўналишлар, янги турдаги хизмат кўрсатувчи корхоналар пайдо бўлаётгани ҳам бор гап. Улар орасидаги рақобат эса табиийки, хизмат сифатини оширишга ёрдам беради. Аммо...

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳужжатли текширишлар бўлими ходимлари пойтахтимиздаги ана шундай хизмат корхоналаридан бири — "Bars avto servis" МЧЖда текширув ўтказганда ушбу корхонадагиларнинг қатор қонунларни бузишгани маълум бўлди. Жумладан, 2008 йилнинг август-декабрь ойларида йўловчи ташиш хизмати ҳамда лицензия карточкалари учун ҳайдовчилар томонидан нақд пулда топширилган маблағлар банкга топширилмасдан, корхонанинг мансабдор шахслари томонидан ўзлаштириб юборилган.

Корхона ҳайдовчилари ёзган тушунтириш хатларида корхонанинг янги раҳбари Ж.Ҳакимов ҳеч қандай сабабсиз уларнинг ойлик маошларини 15 фоизга қисқартириб юборгани, баъзи ҳолларда эса ишга чиқмаган кунингиз учун ушлаб қолдим деб тўлиқ бермаганини таъкидлашган. Қонунбузарлик жазосиз қолмайди, албатта. Энди ҳам давлатни, ҳам ўз ишчиларини алдашдан тоймаган корхона раҳбари қилмишлари учун жавоб беришига тўғри келади.

Икром ПАРДАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳужжатли текширишлар бўлими тафтишчиси.

ТЎРТИНЧИ ХОКИМИЯТ

Ўткир қалам, яхши ният билан

(Бошланиши 1-бетда.)

Буларнинг барчаси Юртбошимиз ва халқ ишончини оқлаш йўлида журналистлар қилаётган фидокорона меҳнатнинг юксак даражадаги эътирофи эмасми?!

— Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар алломаларимиздан бири "Миллат учун шундай ойна керак-ки, у қабоҳатини ҳам малоҳатини ҳам кўра олсин", деб ёзган эди. Биз ўша давр ижод маҳсулини, қатағон машинаси шиддат билан ишлаб турган бир пайтда улкан жасорат ила битилган фикрларни ҳозир ҳам севиб ўқиймиз, ҳайратланамиз. Худди ўртада давр тафовути йўқдек, улар бугун ҳам долзарб ва ибратли. Айтингчи, айни пайтда матбуотимизда ана шундай залворли чиқишлар бўлаяптими?

— Маърифатпарвар боболаримиз «қабоҳатни ҳам, малоҳатни ҳам» кўра оладиган ойна зарурати билан яшаган даврларда мустақиллик миллат учун буюк орзу эди. Худога шукр, мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллигини байрам қилишга чоғланмоқдамиз. Нашрларимизнинг ҳозирги салмоғи, глобаллашган дунё тармоғига дадил кириб бораётган Ўзбекистоннинг электрон ахборот тизими халқимизга ўз салоҳиятини ривожланган давлатлар аҳолисининг тафаккури билан солиштириб кўриш учун тегишлича имконият яратиб бермоқда. Зиёлиларимиз, ёзувчи-журналистларимизнинг турли ғоялар, фикрлар чаппар урган бу ахборот уммонидан халқимиз учун энг муҳим хулосаларни чиқариб оладиган асарлар яратаётганини ҳам эътироф этмоқ даркор. Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари («Тафаккур» журнали, 1998 йил 2-сон), тарихчи олимлар билан суҳбати («Мулоқот» журнали, 1998 йил 5-сон), «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби ва яқинда матбуотимизда эълон қилинган «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» мавзусидаги тарихий мулоҳазалари мустақиллигимиз абадий яшар экан, дунё тамаддунида ўзбек миллати барҳаёт экан, ҳамма замонлар ва ҳамма даврларда катта ҳаяжон билан ўқиладиган асарлар сирасига киради.

Оқсоқол адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Қалб кўзлари», «Эл ва дил», «Амир Темур сиймоси» асарларини мустақиллик даври публицистикасининг энг гўзал намуналари дейиш мумкин.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофотининг лауреати Муҳаммад Алининг, халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Маҳмуд Тоирнинг, фаол ижодкорларимиз Хуршид Дўстмуҳаммад, Абдусаид Кўчимов, Шарифа Салимова, Муҳтарама Улуғова, Гулчеҳра Жамилова, Аҳрор Аҳмедов, Зуҳриддин Исомиддинов ва бошқаларнинг матбуотдаги ҳар бир чиқиши ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

— Буюк адибимиз Абдулла Қодирий шундай ёзган экан: "Яхши билиш керакки, қалам — ўқлоғи, матбуот кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар сўздан жумлалар тузмоқ — фазилат саналмайдур. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққан, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!.." Бугунги матбуотмиз, хусусан унинг такомили, кадрлар масаласи хусусида нима дея оласиз?

— Бугун таҳририятларда ишлаётган журналистни фақат асал берадиган, гуллардаги нектарни оладиган асаларига менгзаш мумкин. Браун ҳаракати усулида чарх уратётган ахборот оқимидан энг муҳимини, ҳозирги ўзбек газетхонлари учун зарур бўлганини танлаб олиш ва уддалаб ўқувчига тақдим этиш осон эмас. Лекин газетачиларимиз буни уддалашмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йилларида, масалан биз, 25 киши Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини битириб чиққанмиз. Ҳозир шундан 20 киши матбуот соҳасида ишламоқда. Ўша даврда фақат шу даргоҳда Ўзбекистон учун журналист кадрлар тайёрланар эди. Ҳозир-чи? Миллий университет, Жаҳон тиллари университети, яна қатор олий ўқув юртлари ва Олий журналистика мактаби ҳам матбуотимиз учун кадрлар етказиб бериш билан шуғулланади. Уларни таҳририят сандонида пишитиб, Тошкентда яшаши учун рўйхатдан ўтказиб олиб, уйли-жойли қилиш таҳририят «ташвиши» ҳисобланади. Шундай майда-чуйда ташвишлар орасида газетада чоп этиладиган мақолаларга сарлавҳа топишга ихтисослашган ходимни ишга қабул қилишни орзулаётган бош муҳаррирни топсангиз, дўппингизни осмонга отаверинг.

— Ёш журналистлар ичида негадир ўткир қаламга, истеъдодга эга бўлганлар камдай? Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Йўқ, кам эмас. Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ташаббуси билан чоп этилган «Ёшлар китоби»ни варақланг. Унда биргина «Ишонч» газетасидан учта ёш журналистнинг ижод намуналари чоп этилган. Айтмоқчи, унда «Ҳуррият»чи ёшларнинг номларига ҳам кўзим тушган эди. Ёшларга ишониш, қўллаб-қувватлаш керак. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон ёшлари — менинг фарзандларим» деган сўзларида эртанги кунимиз эгаларига катта ишонч ва умид мужассамлашган.

— Агар мумкин бўлса, айтсангиз, сўнгги пайтда матбуотда ўқиган қайси мақола ёдингизда қолди?

— «Ҳаёт» газетаси 26-сонида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг тўйлар ҳақидаги «Етти ўлчаб, бир кес!» сарлавҳали мўъжазгина мақоласини чоп этди. Худди Пушкин, Толстой замонларидек Ўзбекистонда ҳам ёш-ёш қизларнинг пулдор тепакал амакиларга турмушга чиқаётгани ҳақида.

Республика Маънавият-тарғибот маркази бўлим мудири Ҳалима Жуманиязованинг «Ёр-ёр», ёзувчи Абдусаид Кўчимовнинг «Умрнинг бир парчаси» мақолаларига газетхонлардан кўплаб эътирофномалар олдик.

— Яхши журналист бўлиш соҳа вакилидан қатъият, жасорат ва ўз ҳузур-ҳаловатидан кечишни талаб қилади. Шу боисдан ҳам ижод аҳли одатда замонасининг уйғоқ қалбига, уриб турган юрагига менгзалади. Зеро, бу соҳа вакиллари мудом ҳаракатда, доимо халқ ичида, ўқиб изланишда. Аммо соҳада камчиликлар бутунлай йўқ деёлмаймиз. Нима деб ўйлайсиз, матбуотимизни янада ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқиш учун яна қандай ишларни амалга ошириш керак?

— Аввало «жаҳон андозалари талаблари» масаласига ойдинлик киритиб олсак. Қандай ўлчам ва кимларнинг қаричи билан ўлчанади у? Тезкорлик десангиз, Ўзбекистон матбуоти буни лозим даражада ўзлаштириб олган. «Нью-Йорк Таймс»нинг Москва учун, «Аргументы и факты»нинг Ўзбекистон учун тарқатиладиган нашрлари бор десангиз, бизда ҳам чет элга тарқатиладиган нашрлар пайдо бўлмоқда. Американинг собиқ президентига туфлисини отган ироқлик журналистнинг жасоратида ватанпарвар журналистикани кўрсак-да, бироқ бир жинсли никоҳни экранга олиб чиққан Туманли Албион репортёрларининг демократияси биз учун ҳеч қачон андоза бўлолмайди.

Ҳинд медикларининг қиз болани жарроҳлик йўли билан ўғил болага айлантиргани ҳақидаги хабар дунё матбуотида катта шов-шувга сабаб бўлди. Лекин ўзбек шифокор олими Жуманазар Бекназаров аллақачон бундай операцияларнинг бир нечтасини амалга оширгани ўзимизнинг матбуотимизда ҳам тузук ёритилгани йўқ... Ота хаста «қизи»ни Ж.Бекназаровнинг қабулига олиб келади. Шифокор синчиклаб кузатса, беморнинг бутун аломатлари эркак жинсига хос. Фақат табиатдаги «чалкашиш» туфайли у қиз болага ўхшаб туғилган ва 14 йил қиз бола бўлиб яшаган. Жарроҳимиз уни худо берган аслига қайтаради. Унинг фаолиятида бунинг аксинчаси бўлган ҳолатларга мисоллар бор. Биз шу ва шунга ўхшаган мисоллар ҳақида ёзсак ва дунёнинг катта газеталарида чоп эттирсак, жаҳон андозаларига етишган бўламизми?

Яқинда «Аргументы и факты» газетаси машҳур рус иқтисодчисининг бир мақоласини чоп этди. Унда Россия молиявий инқирозидан чиқиши учун ерларни уй қуришга ва томорқа хўжалигини ривожлантириш мақсадида одамларга бўлиб бериши керак, деган фикр илгари сурилган. Газета ҳам уни қўллаб-қувватлаган. Қани энди сиз, эй биродарлар, Ўзбекистонда бу тажриба бундан 20 йил олдин қўлланган эди, биздан ўрганинглар деб ёзсангиз, босишармикан? Йўқ.

Бизнингча, тарихга маҳлиё бўлиб, ёки ютуқларни мақтов ёрлиғи қилиб яшамасдан, воқеликни Ўзбекистон манфаати нуқтаи назаридан холис баҳолаш сиз айтган жаҳон андозаларининг айни ўзи бўлади. Биз соҳада ютуқларни кўпайтирсак, камчиликлар ўз-ўзидан барҳам топиб кетади деб ўйлайман.

Иномжон АБДИЕВ суҳбатлашди.

ҚЎШИҚЛАР КЎНГИЛГА ЯҚИН БЎЛСИН

Мустақил тўртликлардан ташкил топган, тугал фикрни бадиий ифодаловчи, эл орасида кенг тарқалган ва қуйланган халқ шеърларининг намуналари қўшиқ дейилади. Уларда инсоннинг ҳис-ҳаяжони, туйғулари, фикр-мулоҳазалари халқнинг ички кечинмалари, яшаш учун қураши, ижтимоий муносабатлари ва тушунчалари, дунёқараши акс эттирилади. Қўшиқларнинг ижтимоий моҳияти ҳақида тарихчи Лафорг шундай дейди: «Халқ қўшиқлари халқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодликларнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, фалсафа китобидир. Қўшиқ бир хазинадирки, халқ ўз иймонини, ўз миллатини ва тарихини унга топшириб қўяди». Қўшиқ термини биринчи марта XI асрда ёзилган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону-луғатит турк» асарида «Қошиқ» шаклида берилган бўлиб, бу сўзнинг изоҳи шеър, қасида деб кўрсатилган.

Бугун халқ оғзаки ижодида яшаб келаётган ўзбек халқ қўшиқларини лирик қўшиқлар, мавсумий қўшиқлар, маросим қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари ва тарихий қўшиқларга бўлиш мумкин. Айни пайтда энг оммалашган қўшиқлар бу — лирик қўшиқлар. Бундай қўшиқларнинг мазмунини оддий сўзлашув тарзида ифодалаш мумкин эмас. Бугунги кунда, минг афсуски, баъзи қўшиқларни эса изоҳсиз тушуниб бўлмайди.

Раъно НОСИРОВА
"Иқбол"(Андижон),
11.06.2009 йил.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Қаерда фуқароларнинг мурожаатларига эътибор билан қаралса, ўша жойда муаммоларга вақтида ечим топилади. Турли оворагарчиликларга барҳам берилади. Лекин ўтказилаётган текширишлар таҳлил қилинганда ҳамма жойда ҳам бу борадаги ишлар ижобий эмаслиги маълум бўлди.

Мирзачўл туман ҳокимлигига ўтган йилда 212 та ариза ва шикоят келган бўлиб, 15 нафар фуқаро туман ҳокимининг қабулида бўлган. Агар ариза ва шикоятлар ҳудудлар бўйича таҳлил этилганда, тумандаги «Боғбон», «Янгидала», «Мирзадала», «Гулзор», «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғинларидан келган ариза ва шикоятлар сони нисбатан ошганини кўриш мумкин. Бу фуқароларнинг мурожаатлари жойларда ҳал этилмаётганидан, маҳаллий ҳокимият вакиллари одамларнинг мурожаатларига етарлича эътибор бермаётганидан далолат. Фикримизни «Аҳмад-Шерзод-Эркин» фермер хўжалиги раиси Э. Аҳмедовнинг аризаси орадан 73 кун, «Азатбек» фермер хўжалиги раиси А.Қосимовнинг аризаси 95 кун, «Баян» фермер хўжалиги раиси С.Қурбонқуловнинг аризаси орадан 40 кун ўтиб ҳал этилгани билан изоҳлашимиз мумкин. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур: «Умурҳамза-Жаъфар» хўжалиги раиси Г.Ҳамзаеванинг аризаси туман ҳокимлигининг аризаларни рўйхатга олиш китобида қайд этилмасдан, унинг ижроси юзасидан қарор қабул қилинган. Бундай ҳолни «Ферз» фермер хўжалиги раиси Н.Мўминов аризасининг ижросида ҳам кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, туман ҳокимининг «Қўшчинор жавоҳир», «Дилмурод-Шод», «Шоҳруҳ-Сафия» фермер хўжаликларига тегишли қарорлари нотўғри қабул қилингани ва «Жўрабек» фермер хўжалигига оид қарорда эса баъзи жиҳатлар назардан четда қолдирилганини ҳам айтиб ўтиш керак.

С. ТЎЙЧИЕВ,
Мирзачўл туман прокурорининг ёрдамчиси.
"Адолат ёлқини" (Сирдарё),
12.06.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ҳамда ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

AGROBANK

«Fitch Ratings»
нуфузли халқаро рейтинг компанияси
"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкни
2009 йилда ҳам барқарор фаолият кўрсатаётганини тасдиқлаб,
"Барқарор" тоифадаги
тўлиқ рейтингга муносиб деб топди.

Узоқ муддатли рейтинг дефолти: **"B-"** дан **"B"** га юксалди, прогнози барқарор
Қисқа муддатли рейтинг дефолти: **"B"** даражасида тасдиқланди
Қўллаб-қувватлаш рейтинги: **"5"** дан **"4"** га юксалди
Қўллаб-қувватлаш рейтингининг минимал даражаси: **"B-"** дан **"B"** га юксалди

Бизнесингиз ривожи сари **барқарор ҳамкорни** танланг!

"Агробанк" – юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

АВВАЛИ

ТОШКЕНТДА "ЁРДАМ" ХАЙРИЙА ЖАМИЙАТИНИНГ МАЖЛИСИ

Йақинда Тошканд шаҳрида мусулмон даҳасида мусулмон жамъийати имдодийа (ёрдам жамияти)-сини кўб аъзолари жамъ бўлуб мажлис очиб, мазкур жамъийат садрнишини (бошлиқ) Саидкаримбой эълон қилибдурки ман катта савдогар бўлганим сабабдин ўз ишим билан овора бўлуб жамъийатға садрнишинликни адо қилмоқликға қўлум тегмайдур. Амо ушбу вақтда мани ўрнимға қолдурмоқликға бошқа одам йўқлиқ сабабдин то бир бошқа одамни сайлаганларингизғача садрнишинлиқ мансабини бажо келтуруб турмоқликға қабул қилурман деб. Андин кейин кераклиқ саволларни қилиб мусулмон болаларини ўқутмоқ хусусида ушбу тариқа бамазмун нутқ айтибдур. Бизларни мусулмон болаларига русский-туземний мактабхонаси кўб манфаат қилганини имтиҳон қилдук. Ул мактабхоналарда мусулмон болалари яхши тайёр бўлуб андин кейин Русия илмини ва тилини яхши билмоқ бўлса явсат (ўрта) ва аълолиқ даражадаги илмларға ижтиҳод (ҳаракат) қилсалар бўладур. Сизларни виждонингиз бизлардин дўхтур, инжинир ва ҳам илм одамлар чиқмоқни ҳоҳиш қиладур. Сизларға мактабхоналари ва кўб ўқушлар керақдур. Амо думахонани мусулмон шаҳриға аз барои ўқутмоқлиқ учун берадурган оқчаси кифоя қилмайдур. Шул сабабдин энг катта хайрийа шулдурки, болаларни ўқушиға саъи қилиб, алар хайрйатиға оқча йиғмоқ лозим деб ўшал кунги мажлисда 2551 сўм оқча берибдур. Мусулмон ҳайрийат жамъийатиға жамъ бир ой ичида беш минг сўмға яқин оқча йиғилибдур.

"Туркистон вилоятининг газети",
1909 йил 31 декабрь.

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ХАВОТИР



ЧИГИРТКА — ГЛОБАЛ ОФАТ

юртимизда унга қарши зарур чоралар кўрилмоқда

Июнь ойининг ўрталарида шахсий юмушларим билан "Чилонзор буюм бозори"га боргандим. Эрталаб бозор ҳовлисини супураётган аёлларнинг гаплари қулоғимга чалинди. "Бу нима бало, ҳамма ёқни чигиртка босиб кетибди", — деб ерда уюлиб турган ўлик чигирткаларни челакка солди улардан бири. Атрофга эътибор билан разм солиб қарасам, чиндан ҳам жуда кўп чигиртка ерда ётарди.

Орадан бир неча кун ўтди. Уйда телевизор томоша қилаётгандим, деразадан бирваракайига учта катта-катта чигиртка учиб кирди. Уларни бир амаллаб ҳовлига чиқариб ташладим. Кейин уйга кириб, очиқ қолган деразани яхшилаб ёпиб қўйдим. Яна бироз вақт ўтгач кимдир деразани кетма-кет чертгандек бўлди. Бемаҳалда ким экан у, деган хаёл билан бориб деразадан ташқарига қарадим. Ҳеч ким кўринмасди. Биров ҳазиллашган бўлса керак, деб телевизор қаршисига энди чўккаламоқчи эдим, дераза яна кетма-кет чертилди. Бориб ташқарига қарадим. Ҳовлидаги чигиртка тўдаси ёруғликка интилиб, ўзини дераза ойнасига уриб, уйга кирмоқчи бўларди.

7 июль куни дўстларимиз билан "Бунёдкор" ва "Насаф" футбол жамоаларининг ўйинини томоша қилиш учун "Жар" стадионига бордик. Учрашув қоронғи тушганидан сўнг, 20:00да бошланди. Аҳволни қаранг: футболчилар майдонда ўйинни, ҳавода эса чигирткалар базмни бошлади. Айтмоқчиманки, ушбу ҳашарот бу ерга ҳам етиб келибди. Қисқаси ўша куни ўйингоҳда сон-саноқсиз чигирткалар "хиром" айлади.

* * *

Чигиртка қадим-қадимдан инсоният учун катта хавф туғдириб келган. Ҳозирда ҳам кўпгина мамлакатларнинг экинзорларига катта талафот етказиб, очарчилик балосини келтириб чиқараётган ҳашарот ҳисобланади. Бу зараркунанда деярли табиатнинг барча гўшаларида учрайди. Улар ёпирилган жойларда чорва моллари ва инсон истеъмол қилиши учун яроқли бирон ўсимлик қолмайди. Шу туфайли қадимда минглаб шаҳару қишлоқлар аҳолиси очликдан қирилиб кетгани тарихдан маълум. Одамлар чигиртка офатидан сақланиш мақсадида кўчиб яшашга мажбур бўлишган. Тарихчи Плинийнинг ёзишича, милоддан аввалги 125-йилларда Саҳрои Кабирдан учган чигирткалар Тунисда 300 минг кишининг қирилиб кетишига сабабчи бўлган. Ҳаттоки, баъзи ҳудудларда одамлар чигирткадан безиб, экин экмай қўйишган. Жумладан, Мўйноқ тумани аҳолиси 1900-1904 йилларда бу зараркунандадан чўчиб деҳқончилик қилишмаган. Яна бир эътиборли томони, одамларни очликка дучор қилувчи бу ҳашаротлар милоддан 3000 йил аввал яратилган қадимги Мисрнинг деворий суратларида ва папирусларида ҳам тасвирланган.

Маълумотларга қараганда, дунёда чигиртканинг 20 мингдан ортиқ тури бўлиб, шулардан 50 тага яқини хавфли ҳисобланади. Чунки бу турлар ёппасига кўпайиб миллионлаб ҳашаротлар йиғилган тўдаларни ҳосил қилади. Бундай тўдалар қисқа муддатда катта-катта майдонлардаги ўсимликларни йўқ қилиши мумкин. Уларнинг ялпи кўпайиш ҳудудлари деярли барча қитъаларда мавжуд. Лекин улар асосан, Африка, Осиё давлатларига жиддий талафотлар етказади. Ўзбекистон ҳудудида 200 дан ортиқ чигиртка тури бор. Улардан 3 та тури ёппасига кўпайиш хусусиятига эга. Булар осиё, тўқай чигирткаси, итальян ёки воҳа чигирткаси ва марокаш чигирткаларидир. Бундан ташқари, якка ҳолда ҳаёт кечирадиган бир қанча чигиртка турлари мавжуд бўлиб, айрим йилларда улар ҳам экин ва яйловларга сезиларли даражада зарар етказади. Осиё чигирткасининг табиий ривожланиш масканларидан энг йириги Амударёнинг қуйи оқими ва Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган. Чунки бу зараркунанда серсув ва одам қадами етмайдиган жойларда тез кўпаяди. Бундай шароитда уларни назорат қилиб туриш анча қийин. Шу сабабли осиё чигирткаси вақти-вақти билан миллионлаб ҳашаротлар йиғиндисидан иборат тўдалар ҳосил қилиб, қисқа вақт ичида минглаб гектар экинзорларнинг кулини кўкка совуради. Марокаш чигирткаси ҳам бу борада ундан қолишмайди. У тоғ олди ҳудудларида яшашга мослашган бўлиб, республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида кенг тарқалган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз керакки, чигиртканинг катта зарар етказиш сабабларидан бири, уларнинг қисқа вақтда кенг майдонга тарқалиб, узоқ масофага уча олишидир. Масалан, осиё чигирткаси соатига 50 километр тезликда 1000-1200 километр масофани бир кун ичида босиб ўтиши аниқланган. Айрим манбаларда 1924 йилда чўл чигирткаси Эрондан Хоразм воҳасига учиб келиб, тез орада бу ердаги экинларни еб битиргани ҳақида ёзилган. Маълумот ўрнида шуни ҳам айтиб ўтиш мумкинки, ушбу ҳашарот ўсимликларни танламай еяверади. Шунингдек, уларнинг анчагина хўралиги ҳам аниқланган. Битта чигиртка ўз оғирлигига нисбатан 100 баробардан ортиқ ўсимликни еб битириши мумкин.

МУТАХАССИС МУНОСАБАТИ

Дарҳақиқат, чигиртка нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда глобал офат, муаммо ҳисобланади. Ушбу зараркунандадан қутулиш, уни йўқотиш доимо долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу сабабли унга қарши курашиш, бу ҳашаротдан ҳимояланиш борасида мутахассислар изланишлар олиб боришмоқда. Чигиртка ёпирилган ҳудудларда тозалаш ишлари амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун Тошкент вилояти ва шаҳрида чигирткалар пайдо бўлгани ҳам рост. Шу боис, ўзимизни қизиқтирган саволлар билан, қолаверса, пойтахтимиз ва унинг атрофидаги туманларда мазкур зараркунанданинг кўпайиш омилларини билиш мақсадида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази башорат бўлими бошлиғи Одилжон Исоқовга мурожаат қилдик.

— 2005-2009 йилларда ушбу жонзотнинг энг хавфли тури бўлган марокаш чигирткасининг республикамиз ва қўшни давлатларда ёппасига кўпайгани ва тарқалганини айтиб ўтмоқчиман. Қолаверса, жорий йилда об-ҳавонинг салқин ва серёғин келгани ҳам уларнинг эрта ривожланиши, катта майдонларга тарқалишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, қўшни давлатларимизнинг чегарадош майдонларида чигирткага қарши курашиш ишлари ҳамжиҳатликда олиб борилмади. Оқибатда ушбу ҳашаротнинг юртимизда кўпайиши кузатилди. Масалан, Туркманистоннинг Лебон вилоятидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига, Тожикистондан Жиззах ҳудудига ва Қозоғистоннинг Сариёғоч туманидан Тошкент вилояти ҳамда шаҳрига зарарли чигиртка тўдалари ёппасига учиб келди. Шунингдек, июнь ойининг охирида ва июль ойининг бошларида шимолдан жанубга эсган кучли шамол туфайли ҳамда Қозоғистон далаларида буғдой ўримининг бошланиши, адирлардаги ўт-ўланларнинг қовжираши сабабли чигиртка тўдалари пойтахтимизгача учиб ўтди.

— Уларнинг ёпирилиши одамларни хавотирга солмасдан қўймади, албатта. Демоқчимизки, айрим юртдошларимиз мазкур зараркунанданинг шу алфозда кўпайиб бориши қишлоқ хўжалик экинларини еб битиришидан ташқари турли касалликларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида ҳам гапиришмоқда. Бу ҳақиқатга қанчалик яқин?

— Биринчи навбатда шуни айтиб ўтиш керакки, бош кентимизга учиб келган чигирткалар қишлоқ хўжалик экинларига, дарахтларга зарар етказмайди. Инсонлар ва ҳайвонлар учун хавфли касалликлар тарқатмайди. Аммо шаҳар аҳолиси учун кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Айтайлик, ёш болаларда қўрқув пайдо бўлиши мумкин. Маълумки, чигирткалар тупроққа қўйган тухум ҳолида қишлаб чиқади ва йилида бир марта авлод бериб ривожланади. Тухумдан чиққан личинкалар об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда 25-40 кун ичида 5 ёшни ўтаб қанот чиқаради. Ушбу зараркунандаларнинг бир ёши бир неча кунга тенг. Кейин эса табиий равишда нобуд бўлади. Ҳозир Тошкент шаҳрида пайдо бўлган чигирткалар айнан уруғ қўйиб, кейин ўладиган ёшда. Яъни умрининг охирги йилларини яшамоқда. Шунинг учун хавотирланишга асос йўқ.

— Ушбу зараркунандаларни камайтириш ва йўқотиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бугунги кунда зарарли чигирткаларга қарши кураш кимёвий ҳолда олиб борилмоқда. Бу усул нафақат республикамизда, балки дунё миқёсида ҳам мақбул ҳисобланади. Унинг муҳим афзаллиги шундаки, бунда чигиртка тарқалган ҳудудларда хавфни тез ва самарали бартараф этиш мумкин. Кимёвий препаратлардан фойдаланилганда зараркунанданинг камида 85-90 фоизи йўқ қилинади. Шу ўринда кўпчиликда савол туғилиши мумкин: кимёвий препаратлардан фойдаланиш одамларга салбий таъсир кўрсатмасмикин? Айниқса, аҳоли яшайдиган ҳудудларда? Албатта, бу инсон учун зарарли. Шу сабабли кимёвий препаратлардан фақат кечқурун фойдаланаяпмиз. Айни пайтда пойтахтимиздаги Хасти Имом, Мустақиллик майдони ва бошқа истироҳат боғларида бу ишлар амалга оширилди. Айрим жойларда эса ҳанузгача давом этмоқда.

Қолаверса, қўшни давлатлар билан ҳам ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бу жонзотнинг тўдаларини бартараф этиш учун кўплаб миллий ва халқаро ташкилотлар жалб қилинган. Жумладан, БМТнинг озиқ-овқат дастурида чигирткага қарши курашни мувофиқлаштирувчи махсус бўлим фаолият олиб бормоқда.

— Суҳбатимиз давомида пойтахтимиз ҳудудига учиб келган чигиртка тухум қўйиш вақтида, деб айтиб ўтдингиз. Шундай экан, агар зараркунанда шаҳримизга уруғ қўядиган бўлса, кейинги мавсумда улар бир неча марта кўпайиб кетмайдими?

— Тўғри, ҳашаротнинг шаҳримиз ҳудудида тухум қўйиш хавфи юқори. Лекин у тупроқ жойларда — уватларда, каналлар ва зовур бўйларида тез кўпаяди ва тарқалади. Шаҳарларда эса кўп жойлар асфальт ва бетон қилинган. Бу ўз навбатида чигирткаларга ин қўйишга тўсқинлик қилади. Яна бир нарса борки, уларнинг тухумдан чиқиш даври узоқ бўлиб, май ойидан бошлаб то октябрь ойигача ривожланиши мумкин. Шу сабабли бундай маконлар доим кузатув остида бўлиб, бир неча марта такрорий дорилаш ишларини ўтказишга тўғри келади.

— Қишлоқ хўжалик экинларига бу ҳашарот қандай зарар келтираяпти ва зараркунандаларга қарши қандай чоралар кўрилаяпти?

— Шу кунга қадар республикамизнинг вилоят ва туманларида жами 600 минг гектардан зиёд майдон зарарли ҳашаротларга қарши дориланди. Шундан 280 минг гектардан ортиқроғи Қашқадарё вилояти ҳудудига тўғри келади. Бундан ташқари, Сурхондарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги майдонларга ҳам зарарли ҳашаротга қарши кимёвий дорилар қўлланилди. Офатга қарши жиддий чоралар кўрилиши учун жойларда зарур саъй-ҳаракатлар амалга оширилаяпти.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАДБИР

Ҳеч бир одам эътиборсиз қолмасин

Инсоният яралибдики, бугунги кунидан кўра фаровонроқ турмуш кечиришга интилиб яшайди. Ана шу интилиш жараёнида эса турли тенгсизликлар пайдо бўлади. Одамзотнинг умумий хоҳиши эса барибир сайёрамиздаги ҳар бир кишининг ҳаёти камситиш ва тенгсизликлардан холи бўлишига эришиш бўлиб қолаверади.

Ушбу хоҳишнинг ҳаётга тарғиб этилишида эса UNFPA — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аҳолишунослик бўйича жамғармасининг ўзига хос ўрни бор. Бу жамғарманинг асосий мақсади жаҳондаги ҳар бир аёл, ҳар бир эркак ва ҳар бир бола тенг ҳуқуқли бўлиши ва аҳолининг соғлом турмуш тарзига тўла эришувига кўмаклашиш ҳисобланади. Айни пайтда у дунёнинг 140дан ортиқ мамлакатида фаолият юритмоқда.

UNFPAнинг юртимиздаги фаолияти 1993 йилда бошланган бўлиб, бугунги кунда Жамғарма ўзининг Иккинчи Мамлакат Дастури (2005-2009 йиллар)ни амалга оширмоқда. Унинг асосий фаолият йўналиши аҳолининг репродуктив саломатлигини, аҳолишунослик ва ривожланиш масалаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, гендер тенглигига эришиш ва гендер зўравонликка қарши туриш кабиларни қамраб олади.

11 июль — Жаҳон халқлари куни арафасида пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида соҳа мутахассислари ва ОАВ ходимлари иштирок этдилар. Тадбир давомида дунё аҳолисининг тенг ҳуқуқлилиги, ОИВ ва ОИТСнинг олдини олиш, гендер тенглигига эришишга кўмаклашиш ҳамда аҳолишунослик ва ривожланиш тамойиллари хусусида турли фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди. Анжуманда таъкидланганидек, инсон табиатнинг буюк хилқатидир. Шундай экан, ҳеч бир одам, қайси эл фарзанди бўлишидан қатъи назар, эътиборсиз қолмаслиги керак.

Умида КАРИМОВА

Вертолёт ҳалокати

Боку шаҳри яқинида AZAL авиакомпаниясига қарашли Ми-8 вертолёти денгизга қулаб тушди. Хабарларга қараганда, вертолёт бортида экипаж аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда олти нафар киши бўлган. Уларнинг тўрт нафари қутқариб қолинди. Қолган икки кишини қидириш ишлари давом этмоқда.

Ҳалокат сабаби аниқ эмас. "Азнефть" давлат компанияси матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Гулиевнинг РИА Новости мухбирига берган интервьюсида айтилишича, вертолётда нефтчилар бўлган.

Айбдор деб топилди

Мюнхен прокуратураси 89 ёшли Жон (Иван) Демьянюкни нацистлар билан ҳамкорлик қилишда ва немис концлагерида 27900 нафар маҳбусни ўлдиришда иштирок этганликда айбдор деб топди.

Айблов хулосасида айтилишича, Демьянюк 1943 йили фашистлар концлагерида қўриқчи бўлган. Ўша пайтда СС томонидан унга 1393 рақамли хизмат гувоҳномаси берилган. Ушбу гувоҳнома тергов жараёнида асосий далил бўлди.

Суд қачон бошланиши ҳозирча аниқ эмас. Асли украиналик бўлган Демьянюк 1986 йили нацистлар жиноятига шерик сифатида Исроил суди томонидан бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. 1993 йили эса Исроил Олий суди бу ҳукмни бекор қилганди.

Сохта евро банкнотлар

Жорий йилнинг олти ойида 413 минг сохта евро банкнотлар муомаладан йиғиштириб олинди. Бу ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигидаги кўрсаткичдан 17 фоиз кўпдир.

Европа марказий банки маълумотларига қараганда, сохта пуллар ичида 20 ва 50 купюралик банкнотлар кўп учраяпти. Бу банкнотлар шу пайтгача муомаладан йиғиштириб олинган сохта пулнинг 48,5 фоизини ташкил этмоқда. Сохта пулларнинг асосий қисми евро муомалада бўлган давлатлар, бир фоизи ЕИга аъзо, лекин еврога ўтмаган давлатлар, ярим фоизи бошқа давлатлар ҳудудидан топилган.

Аҳоли зарар кўрмади

Кеча эрталаб Афинада мамлакат собиқ ички ишлар вазири ўринбосари Панайотис Хинофотис яшайдиган уйда портлаш содир бўлди. Бино портлашдан катта зарар кўрди. Лекин бу ердагилар орасида жароҳатланган ва ҳалок бўлганлар йўқ. Чунки ҳалокат содир бўлишидан сал олдин номаълум киши полицияга қўнғироқ қилиб, кутилаётган террорчилик ҳақида хабар берган эди.

Панайотис Хинофотис 2008 йили Грецияда содир этилган оммавий тартибсизликлар пайтида ички ишлар вазири ўринбосари лавозимида ишлаган. Ўша пайтда у бош вазирга истеъфога чиқиш ҳақида ариза билан мурожаат қилган эди. Аммо унинг талаби қондирилмаганди. 2009 йилнинг январида эса у лавозимидан четлаштирилди.

35 минг жиноятчи ушланди

Америка Қўшма Штатларида июнь ойида мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир натижасида 35 минг нафар жазодан қочиб юрган жиноятчи қўлга олинди. Бу ҳақда хабар берган CNN ахборотида айтилишича, амалиёт чоғида 400 нафар қотилликда айбланаётган жиноятчилар ушланган. Шунингдек, 82 та ўқотар қурол, 2,5 тонна гиёҳванд модда жиноятчилардан тортиб олинган.

АҚШда 2005 йилдан буён шундай тадбир ўтказиб келинади. Биринчи тадбир пайтидаёқ 10 минг нафар федерал қидирувда бўлган жиноятчилар қўлга олинган эди.

Жангарилар ва нефть



Нигер дельтасини озод қилиш ҳаракати жангарилари АҚШнинг Chevron компаниясига қарашли нефть қувурини портлатиб юборишди. Бу ҳақда куни кеча AFP хабар тарқатди. Жангарилар шу йилнинг 8 июль куни Англия ва Голландиянинг Shell ҳамда Италиянинг Agip компанияларига қарашли иккита нефть қудуқларини ҳам портлатишган эди.

Сўнгги ойларда нигериялик жангарилар анча фаоллашиб қолди. Улар хорижлик бир неча кишини гаровга ҳам олишди. Натижада Нигерияда нефть қазиб олиш 2006 йилга нисбатан 20 фоизга қисқарди.

ДАРАКЛАР

Инжиқ "F-22"



Америка армиясидаги энг замонавий F-22 Raptor қирувчи самолёти бир марта самога парвоз қилгандан сўнг унга 30 соат техник хизмат кўрсатиш талаб этилади. The Washington Post газетаси ушбу рақамни мудофаа вазирлиги вакиллари олиб борган тадқиқотлардан келтириб ўтади. Тадқиқот ҳисоботида айтилишича, самолётнинг бир соатлик парвози 44 минг долларга тушади.

Газетанинг ёзишича, бунинг сабабчиси самолётдаги стелс қопламадир. Шу қоплама туфайли самолёт ёмғирда парвоз қилса ҳам унга алоҳида хизмат кўрсатиш талаб этилади. АҚШлик ҳарбий мутахассислар 1990 йилдан буён самолётдаги бу муаммони ҳал этишга уриниб келишмоқда. Аммо уддасидан чиқа олишмаяпти.

ОАВ хабарларига қараганда, 2008 йилнинг октябридан 2009 йилнинг майигача бу самолётларнинг 55 фоизигина учишга тайёр холос.

Қурол сотмоқчи

Франция ҳукумати Покистонга Афғонистон билан чегара ҳудудларда олиб бориладиган антитеррор амалиётлар учун қурол сотишга қарор қилди. Бу ҳақда Франциянинг Покистондаги элчиси Defense News газетаси мухбирига айтди.

Нашрнинг хабар беришича, ҳозирда шартноманинг деталлари муҳокама қилинмоқда. Жорий йилнинг 21 сентябрь куни Франция президенти Николя Саркозининг Покистонга ташрифи чоғида Париж ва Исломобод ушбу масалада сўнгги қарорга келишади.

Defense News хабарига кўра Франция ҳозир ҳам Покистонга ҳарбий ёрдам бериб турибди. Масалан, мамлакатдаги вертолёт паркини янгилашда Франция катта ёрдам кўрсатди.

ТАФСИЛОТ

G8 кенгаядими?

Жорий йилнинг 8-10 июль кунлари Италиянинг Аквиле шаҳрида катта саккизлик давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Сиёсатчиларнинг таъкидлашича, саккизлик раҳбарлари учрашув кун тартибидаги асосий масалалардан бири жаҳон иқтисодий инқирозига қарши кураш масаласида бир тўхтамга кела олмаганлар. Чунки саммитга ҳеч бир раҳбар инқироздан чиқиш бўйича аниқ бир дастур билан ташриф буюрмаган. Шу йил кўкламда Лондонда бўлиб ўтган G 20 учрашувида ҳам ушбу муаммо асосий муҳокама мавзуси бўлган, аммо ўз ечимни топмаган эди.

Айрим иқтисодчилар инқироздан чиқиш ва янги бўҳронларнинг келиб чиқмаслиги учун жаҳон молия тизимини ўзгартириш ташаббусини илгари сурмоқда. Уларнинг фикрича, аввало жаҳон валютасини алмаштириш зарур. Чунки бугун дунё пули ҳисобланиб турган АҚШ доллари ўз вазифасини ўтаб бўлди.

Бу ғоя бугун туғилгани йўқ. Мазкур масала шу йилнинг кўкламида бўлиб ўтган Лондон саммитида биринчи марта расман тилга олинганди. Айрим мамлакатлар раҳбарлари ўшанда ушбу масалани учрашув кун тартибига киритишга ҳаракат қилиб кўришди. Лекин АҚШнинг қаршилиги туфайлигина у муҳокама қилинмай қолганди. Аквиледа жаҳоннинг янги пулини яратиш масаласи яна кўтарилди.

Россия президенти Дмитрий Медведевнинг фикрича, янги валютани чиқариш ва муомалага киритиш масалалари билан халқаро молия ташкилотлари шуғулланиши лозим. У, шунингдек, рубль жаҳон валютасига айланишига умидвор эканини ҳам яшириб ўтирмади.

Жаҳон молия бозорида яқин пайтда янги пул муомалага кирадими? Бу саволга бирдан жавоб бериш қийин. Лекин Аквиледа шу масаланинг кўтарилишининг ўзи жаҳон оммавий ахборот воситалари томонидан шов-шув сифатида қабул қилинди.

Италияда ўтган бу тадбир яна бир жиҳати билан ҳам журналистлар эътиборини тортди. Кейинги йилларда G8, G14, G20 каби саммитлар кўпайиб бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, G8 ўз ролини бажариб бўлди. Бугун дунё иқтисоди ва сиёсатини тезлик билан ривожланиб бораётган Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Корея, Мексика, Жанубий Африка Республикаси, Индонезия, Мисрсиз тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, катта саккизликни катта ўн тўртликка ёки катта йигирмаликка ўзгартириш масаласи ҳам жиддий муҳокама қилинди. «Оқ уй» раҳбари Барак Обаманинг фикрича, йигирма кишининг барча масалаларда бир қарорга келиши қийин. Шунинг учун катта саккизликни G13 ёки G14 га айлантирган маъқул.

Лекин учрашувда бу борадаги асосий масала ечимсиз қолди. Хўш, G8нинг кейинги учрашуви қачон, қаерда бўлади? Унда қолган олти давлат раҳбари ҳам иштирок этадими ёки йўқми? G14 таркибига кимлар киради?

Саммитда қабул қилинган баёнотда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масаласи алоҳида тилга олиб ўтилди. G8 раҳбарлари Исроил ва Фаластин давлати ташкил этилишини қўллаб-қувватлашни баён этишди.

Йиғилишда қароқчиликка қарши курашда ҳам барча мамлакатлар бирдам ва ҳамжиҳат эканини баён қилишди. Етакчиларнинг таъкидлашича, Шарқий Африка ва дунёнинг бошқа нуқталаридаги қароқчиликка бутунлай барҳам бериш вақти етди. Бу иллатга қарши жаҳоннинг барча давлатлари бир тан, бир жон бўлиб кураш олиб бориши лозим.

Терроризмга қарши кураш бугун биринчи вазифага айланган бўлса-да, унинг илдизларига ҳамон болта урилгани йўқ. Афғонистонда, Покистонда ва яна бир қанча мамлакатлар ҳудудида жангарилар гуруҳлари бемалол фаолият кўрсатаяпти. Улар ҳамон жаҳон тинчлигига рахна солиб турибди, гиёҳванд моддалар бизнесини ўз қўлларига олишган. Терроризмга қарши курашда ҳам кучларни бирлаштириш зарурлигини катта саккизлик раҳбарлари алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Айтиш жоизки, дунёнинг айрим мамлакатларида бугун миллионлаб одамлар оч-наҳор кун кечирмоқда. Саммитда уларга ёрдам бериш масаласи ҳам муҳокама этилди. G8 раҳбарлари бу мақсад учун илгари кўзда тутилган 15 миллиард доллар ўрнига 20 миллиард доллар маблағ ажратишга қарор қилишди.

Катта саккизлик саммитида бундан бошқа турли масалалар ҳам муҳокама этилиб, ҳар бири бўйича қарорлар қабул қилинди. Энди гап уларнинг бажарилишини назорат қилишда қолди.

Интернет хабарлари асосида Элеонара ТАМАКОВА тайёрлади.

МОЗИЙ

“Дунё тўрт асос билан пойдор экан”

(ёки Абулғозихоннинг тиббиётга оид фаолияти)

Қадим-қадимдан илм-фан маркази бўлган Хоразм дунё тамаддунига буюк алломаларни тарбиялаб берган маскан сифатида қадрланади. Бунга Маъмун академияси ва унда илмий ҳамда ижодий иш олиб борган Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масиҳийларни мисол келтириш мумкин. Бу олимлар фаннинг турли соҳалари, жумладан тиббиёт бўйича ҳам қатор илмий изланишлар олиб борган ва кўплаб ноёб асарлар ёзиб қолдирган. Орадан олти аср ўтиб, Хоразм хони Абулғозихон ибн Араб Муҳаммадхон (1603-1664) даврида ҳудудда яна чинакам маънавий-маданий ўзгаришлар юз берган. Хусусан, табобат юксак даражада ривожланди. Абулғозихоннинг ўзи дунёга машҳур бўлган “Шажарайи турк”, “Шажарайи турк ва тарокима” асарларидан ташқари табобатга бағишланган “Манофиъ ул-инсон” (Инсонга фойдалар) номли асар ёзган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай дейди: “Шундоқ айтур бўлғай Абулғозихон ибн Араб Муҳаммадхон Чингизий Хоразмийким, бадан иллат ва касалдан холий эрмас эрди, вақтики илож қилмоққа эҳтиёжимиз тушуб эрди, китобларни назарға келтирур эрдук, мақсад гоҳо топилур эрди ва гоҳо топилмас эрди, топилса ҳам, ҳазор машаққат билан топилур эрди. Шул сабабдан иллатга илож қилмоқ (учун) мўътабар китоблардан жамъ қилиб, аввал иллатни баён этиб, ондин сўнг иложларин баён қилдим”.

Кўриниб турибдики, Абулғозихон Хоразмда кўп учрайдиган хасталикларга тез таъсир қиладиган даволарни бир ерга жамлашни ўз олдига мақсад қилиб, асарни тўрт бобга бўлади. *“Мусулмонлар кўп фойда кўргайлар, деб бу китобга “Манофиъ ул-инсон” (Инсонга фойдалар) деб от қўйдум. Демак, дунё тўрт асос билан пойдор экан, бу китоб ҳам тўрт бобдан иборат бўлса, абадий ва пойдор бўлади”*, деб ёзади Абулғозихон.

Юсуф Баёний (1823 йилда вафот этган) ўзининг “Шажарайи Хоразмшоҳий” номли китобида келтиришича, Абулғозихон бу тиббий китобни аввало форс тилида ёзган. Бироқ, бу асарнинг форсча нусхаси шу кунгача топилгани йўқ. Қўлимиздаги 4107 рақамли нусха эса асарнинг ўзбекчаси бўлиб, 64 варақдан иборат. У тахминан XIX аср бошларида кўчирилган. Афсуски, касалликларнинг номи алифбо тартибида берилган бу нусха “х” ҳарфигача келгач, тугаб қолган. Шу сабабли Абулғозихоннинг Баёний айтган “ўз мужарробат (синовдан ўтказган дорилари) ва мухтариъот (ихтиро)лари нимадан иборат экани номаълумдир. Асарнинг биринчи бобида ҳар бир иллатга даво бўладиган содда ва мураккаб дорилар ҳақида гап кетса, иккинчи бобида фақат иккита иллатга даво бўладиган дорилар баён қилинган. Учинчи боб эса иллатлар ва касалларга таъсир қиладиган даволарга бағишланган. Тўртинчи бобдан Аллоҳу таъоло сўзлари, пайғамбаримиз ҳадислари, авлиёларнинг мавъизалари, ҳукамоларнинг пандлари, донишманд подшоҳларнинг ҳикматли сўзлари ўрин олган.

Қизиғи, Абулғозихон нодонларни ҳам касаллар қаторида баён қилади. *“Не учунким, — дейди Абулғозихон, — ўзга дардларнинг одаме бирлан ҳамроҳлиғи ўн кун ёки икки йил, ҳарчанд кўп бўлса бўлур, ондин зиёда зарари мумкин эрмас. Лекин нодонлиқ дарди киши бирлан абадга ҳамроҳ турур”. “Умид тутарманким, — деб ёзади Абулғозихон, — оқиле бу назм (китоб)ни назарға келтурса кўнглининг кўзгуси рангу кудуратдин ойрилиб, равшан бўлғай. Ва агар жоҳиле ўқиса ё эшитса ондин насибаси чоғли олғай”.*

Китобда Абулғозихон синган суяк ва суяк оғриғи, болалар чечаги, облайи фаранг (таносил касаллиги), бод, қўлтиқ бадбўйлиги, жинсий камқувватлик, бавосил, баҳақ (тери оқлиги), пес, қоринда ўлган ёки тирик бола иложи, кўз оғриғи, жузом (қорасон), кўз тегиши, чипқон, хуноқ (ангина), зотилжам, бурундан қон келиши, руҳ тарбияти баёни, жиннилик, қайизғоқ, сил, қорин қуртининг иложи, тутқаноқ, тоун (ўлат), бел оғриғи, сариқ касал каби кўплаб хасталикларнинг муолажаси ҳақида сўз юритган.

Ўрни келганда табобат тарихида фақат дори-дармонларга бағишланган асарларгина алифбо тартибида келтирилиши ҳам Абулғозихон томонидан биринчи марта қўлланилганини айтиб ўтиш лозим. Асарнинг 15 варағида икки олимнинг номини учратамиз. Улардан бири Оқсароий бўлса, иккинчиси Юсуфийдир. Оқсароий Жамолиддин Муҳаммад ибн Муҳаммаднинг (XIV аср) тахаллуси бўлиб, у “Ҳалл ал-Мўъжаз” (Мўъжаз”ни тушунтириш) асари муаллифидир. Унинг асари араб тилида ёзилган бўлиб, қўлёзма ҳолида кенг тарқалган. Бу Абулғозихоннинг аввалambор араб тилини мукаммал билганидан дарак беради, иккинчи томондан, бу асарнинг ишончли манбаларга суяниб ёзилганини билдиради.

Абулғозихон Юсуф табиб деб тилга олган олим эса Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравийнинг (1544 йил вафот этган) номидир. Юсуфий умрининг бир қисмини Ҳиротда, қолганини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурида, унинг хос табиби сифатида, Бобурнинг вафотидан сўнг, унинг ўғли Муҳаммад Ҳумоюн ҳузурида мунший вазифасида ўтказади. Унинг табобат, фалсафа, одоб-ахлоқ, луғатшунослик, иншо санъатига оид 21 та асари бизгача тўлиқ ҳолда етиб келган. Юсуфий Ибн Сино изидан бориб, табобатга оид асарларининг кўпчилигини шеърда ёзган. Бунинг учун у рубоий, қитъа, маснавий ва қасида жанрларидан фойдаланган. Унинг “Тибби Юсуфий” асари 1881 йилда Хоразмда Ходим томонидан, 1898 йилда тошкентлик Шоҳҳўжа Валади Файзуллахўжа томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Абулғозихон “Манофиъ ул-инсон”ни ёзишда Юсуфий асарларидан кенг фойдаланади. Масалан, у болалар чечагини даволаш хусусида ёзаётганда: “Юсуфий табиб айтурким, чечак аломати бош оғриғи ва доимо уйқудан сачраб турур” дейди ва Юсуфийнинг чечак ҳақидаги рубоийсини форс тилида келтиради.



Юсуфий “Облайи фарангийя” (“Европа чечаги”) ни даволаш учун тўртта рубоий бағишлаган. Инглиз олими К.Эльгуд Юсуфий табобатини ўрганар экан, ўзининг “Форс табобати тарихи” номли асарида бу рубоийларни инглиз тилига таржима қилиб, шарҳлайди ва бу касалликни ҳозирги захм (таносил касаллиги) экани ҳақида ёзади. “Европа чечаги” деб аталишига сабаб бу иллатнинг XVI аср бошида Европадан Ҳиротга, умуман Шарққа кириб келишидир. К.Эльгуднинг сўзларига қараганда бу касалликни биринчилардан бўлиб Юсуфий тадқиқ этган ва уни муваффақиятли даволаган. Бунинг учун эса у симоб ҳаббини, симоб элаки дорисини ва симоб тутунидан фойдаланган. Бу янги касалликка қарши топилган янги даво ва уни муваффақиятли даволаш Юсуфийга катта шуҳрат келтирган. Кейинчалик, яъни 1507-1508 йилларда бу даволарни рубоий жанрида ёзган “Илож ул-амроз” (Касалликларни даволаш) асарига киритади. Афтидан бу касаллик Абулғозихон даврида ҳам тез-тез учраб турганга ўхшайди. Негаки, у ўз асарида бу иллатни даволаш усулларига кенг ўрин берган. Унда Юсуфийда учрамайдиган даволаш усулларини ҳам кўрамиз. Бу иллатга қарши у асосан “чўби Чиний” ўсимлигини тавсия қиладики, унинг ўзбекча номи “хина дарахти”дир. Абулғозихон ёзади: “облайи фарангийяга ҳеч дору чўби Чинийдан яхши эрмасдур”. Захм касалини муваффақиятли ва охиригача даволаш шу кунларда ҳам шифокор олимлар олдида турган муҳим ва қийин вазифалардан биридир. Бу соҳада Абулғозихон кўрсатмаси ва бошқа тавсиялари ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Абулғозихон “Манофиъ ул-инсон”да облайи фарангийяни даволаш бобида Юсуфийдан фойдаланган ҳақида ҳеч нарса демайди. Бироқ, унинг бу дарддан халос бўлишда симобдан фойдаланиш лозимлиги ҳақидаги тавсияларини ўқисак, Юсуфийники билан айнан ҳамоҳанг эканини кўрамиз.

Юсуфийнинг ёзишича, симоб тутуни кўзга кирса, одамни кўр қилиб қўяр экан. Бу ҳақда Ибн Сино ҳам “Тиб қонунлари”нинг II китобида симоб ҳақидаги бобда ёзиб ўтади. Бироқ, Ибн Сино шундай ҳол юз берганда нима қилиш кераклиги ҳақида ёзмаган. Юсуфий узоқ изланишлардан сўнг бунинг давосини топади. Бунинг учун олтин иқлимиёси (кукуни)дан фойдаланади ва кўр кўзларни очади. Беморларни қизиган қум билан даволаш тиббий китобларда деярли учрамайди. Абулғозихон бир қулнинг захм касалига йўлиққани ва қум билан даволангани ҳақидаги ҳикояни келтирган бўлиб, бунинг қоида ва тартиблари асарда мукаммал баён қилинган.

Абулғозихон юқорида зикр қилинган асарлардан ташқари Суқроти ҳаким (Сократ)нинг фикрларидан ҳам фойдаланган. Бироқ, унинг бу ерда қайси манбадан фойдаланганини айтиш мушкул. Негаки, Суқротнинг табобатга оид ҳеч қандай асари сақланиб қолмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Абулғозихон нафақат давлат арбоби, балки Шарқ табобатини ҳам юксак даражада идрок қилувчи моҳир табиб ҳам эди. Унинг турли тилда ёзилган манбалардан бемалол фойдалана олиши эса унинг илмда ҳам етук шахс бўлганини кўрсатади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари доктори.

“ЛИМУЗИН” ОБРЎ БЕЛГИСИМИ?

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу “тантаналар” ҳамюртларимиз орасида қаердан пайдо бўлди? Шарқда туғилиш маросими ҳеч қайси даврда бундай байрам қилинмаган. Бу иллат ғарбликлар турмушига хос, уни бизникилар ўзларига кўр-кўрона юқтиришган десак, ғарбликлар пулни қандай сарфлашни жуда яхши билишади.

Қаранг, қайнона гўдак неварасининг парвариши, келинининг саломатлигини тиклаш билан боғлиқ қатор муаммолар пайдо бўлган бир пайтда қўшниларидан қарзга пул олиб, “Лимузин” ёлласа-я! Бу ёғда уч фарзандининг рўзғори бир хонали уйда ўтмоқда... Аёл катта орзуси ушалганини кўпчиликка шу тахлит намоён қилиши шартми? Ўзига тўқ хонадонлардан унинг қаери кам демоқчимисиз?

— Бу сингари воқеалар асосан баъзи бир ўзига тўқ хонадонларда рўй бермоқда, — дейди “Маҳалла” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Ҳайдарали Қораболаев, — Бундай оилаларга тақлид қилиб эргашаётганлар ҳам бор. Тантана ва маросимларни меъёрида ўтказиш масаласида маҳаллаларда тарғибот ишлари олиб борилса-да, лекин айримлар ўз билганларича иш тутмоқда. Токи одамлар бу “одат”нинг удумларимизга алоқаси йўқ иллат эканини англаб етмас эканлар, уни бартараф этиш қийин кечади.

Ўзига тўқ оилаларнинг бу ҳаракатларини исрофгарчилик, тўқликдан ўйлаб топилган шўхлик, деб аташ мумкиндир. Яқинда қўшним неварасини туғуруқхонадан “Лимузин”да олиб келди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас туман газ идорасидан икки йигит келиб, юз эллик минг сўм қарзи борлигини маълум қилди. Уй эгаси қарзни тўлаш учун яна муддат сўради. Эътибор беринг-а, хонадон эгалари катта рўзғор ўчоғининг оловини ҳеч хижолатсиз насияга ёқадилар, бироқ ўзларини атрофдагиларга кўз-кўз қилишга келганда неча юз минг сўмни сарфлашдан тоймайди. Бу тахлит пулни кўчага совуриш ўзини кўрсатиш, манманлик аломати деб аталса, тўғри бўлади.

Камолиддин Ориф Бухорий жомъе масжидининг

имом хатиби Қобилжон Қори Одилжон ўғли бу борада ўз мулоҳазаларини шундай ифодалади: — Фарзанд — улуғ неъмат. У таваллуд топганда қулоғига азон айтиш удуми ва имконига қараб, ақиқа, яъни амри маъруф ўтказиш маросими пайғамбаримиз С.А.В дан қолган суннатлардан ҳисобланади. Лекин айримлар бу тадбирларга “Лимузин” тугул карнай-сурнай наволариям қўшишмоқда. Мурғак чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқиш маросимининг ўзи бешик тўйига айланмоқда. Бу турган-битгани исрофгарчилик, манманлик ва кибрга берилиш аломатидир. Муқаддас китобимизда ёзилган: “Эй, мўминлар, енглар, ичинглар, исроф қилманглар”. Ёки муборак ҳадисда айтилади: “Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. саҳобаларига шундай дебдилар: — Келажакда уммат-ларимнинг кичкина ширкка берилишларидан қўрқаман. — Кичкина ширк нимадир? — деб сўрабди саҳобалари.

— Кичкина ширк — эл кўзига бошқача кўриниш, яъни риёкорликдир, — деб жавоб берган эканлар Расулуллоҳ С.А.В.” Риёкорликнинг ниҳояси оғир, умри қисқа, мағзи пуч саналади. Камтаринликнинг умри боқий, ўзи олий фазилатдир.

Албатта, бойликнинг бўлгани яхши. Аммо молдунё ичида туриб, уни кўнгилга яқинлатмаслик, табиатан камтаринлик ундан минг карра яхши, деган доноларимиз. Буни уддалаш қийин кечиши мумкин. Жилла қурса, шунга интилиб яшашга нима етсин. Мақоланинг охирги нуқтасини қўяётганимда, талаба қизим кириб, уни ўқиди-да, — бир ёқлама мақола, — деди ийманиброқ. — Сиз тушунинг, аёл ҳаётида туб бурилиш содир бўлди, ахир! У илгариги замонлардек ҳар йили фарзанд кўрмайди. Наҳотки умрининг унутилмас лаҳзаларини тасвирга олиб, унга дабдабали тус бериш иллат саналса!?

Очиғи, ўйланиб қолдим. Наҳот, бугунги кўпгина ёшлар бундай “одат”ларни табиий деб ўйлашади? Тўғри, бугун биз дориламон кунларда яшаяпмиз. Тўкин ва фаровон яшашнинг айби йўқ. Аммо эндигина туғилган гўдакни “Нексия”да ҳам уйга олиб келса бўлади-ку. Аслини олганда мурғак учун қандай русумдаги машинанинг заррача аҳамияти йўқ. Унга сарфланадиган неча юз минг сўм маблағ хайрли ишларга ажратилганда ёки чақалоқни яхши парвариш қилиш учун сарфланса, мақбул бўлмайдими?

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
“Нуғіуат” мухбири.

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

“АСАКА” БАНК (ОАЖ)

қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади

Миллий валютадаги омонат:

1.“ТАРАҚҚИЁТ”

Сақланиш муддати — **6 ОЙ,** омонат бўйича йиллик **24%** ҳисобланади. Қўшимча **6%** миқдорида бонус ҳисобланади (жами ҳисобланган фоиз **30%**).

Хорижий валютадаги омонат:

2.“ЁЗГИ” АҚШ долларида.

Сақланиш муддати — **3 ОЙ,** омонат бўйича йиллик **10%** ҳисобланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун “Асака” банк (ОАЖ) филиалларидаги телефонлар:
(8.371)120-39-81,
120-39-60, 120-39-63.

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Баъзи одамлар борки, улар соатга қараб гапиришга одатланишмаган, вақтни эса фақат календарга қараб ўлчашга ўрганган бўлишса керак, деган экан таниқли фин ёзувчиси Мартти Ларни. Менимча эса баъзан вақтни тақвимга қараб эмас, йилномаларга қараб ҳисоблайдиганлар ҳам учраб туради...

КУЗАТУВ

"ВАҚТ, БИЗЛАРНИ КЕЧИР"

Талабалигимизда бир ўқитувчимизнинг дарсига киришдан юрагимиз зириллаб қолганди. Деярли барча курсдошларим йўқламадан ўтиш учунгина бу дарсга боришарди. Аслида домламиз унчалик қаттиққўл ҳам эмасди. У ўз соҳасининг кучли мутахассиси эди. Аммо бу устоз ўз "мен"и рекламаси билан шуғулланишда устаси фаранг эди. Дарс аввалида айтган мавзусини бошлаши ҳамоно хаёли яна ўша "мен"га оғиб кетаверар ва охир оқибат маъруза мазмуни олдингиларидан фарқ қилмай қолаверарди. Талабалар эса 2-3 йил давомида бу "сценарий"ни деярли ёдлаб олишганди. Кечқурун турли юмушлар билан банд бўлиб тўйиб ухлолмаганларга бу устознинг сўзлари алла оҳангидек туюларди шекилли 90 дақиқа давомида маза қилиб ором олишарди. Менга ўхшаган инжиқтабиатроқлар эса нажотни бирор бадиий асар мутолаасидан излашга мажбур эди.

Шундай "қизиқарли" дарсларнинг бирида қўлимда бирор янги китоб йўқлиги учунми, жуда зерикдим. Охири собиқ талабалардан қолган эсдаликлар, яъни ўқув столларида ёзиб қолдирилган "дилнома"ларни ўқий бошладим: "Талабалик темир даврим", "Харажатсиз ҳаракат..." Бундай "ҳикматли" сўзлар жуда кўп экан. Аммо улардан бири диққатимни тортди: "ВАҚТ бу ерда жон бермоқда". Беихтиёр жилмайдим. Менга ўхшаганлар кўп экан...

Замонамизнинг таниқли шоирларидан бири қаламига мансуб "Мени мажлисдан излангиз" радифли ғазалда инсон умрининг бефойда йиғинларда ўтаётганидан ўкинч ҳисси моҳирона ифодаланган. Шу шеърни завқ билан ўқиб берган ёш ҳамкасб дўстим ўзи ишлайдиган ташкилотда ҳам ҳафтанинг тўрт куни мажлисларда ўтишини айтганди. Унинг гапига қараганда, аслида бундай йиғинларни мажлис ҳам деб бўлмас, чунки раҳбар 2-3 соат давомида кечаги мавзуни обдон такрорлаш билангина кифояланиб қолар экан.

— Фикримча, аслида мажлис ҳал қилиниши лозим бўлган турли муаммолар пайдо бўлганда, ходимларга умумий вазифалар юкланиши муносабати билан ёки бошқа бирор зарурат туфайлигина ўтказилади. Аммо нафақат бизнинг жамоада, балки кўплаб бошқа қуйи ташкилотларда ҳам мажлис, тадбир ёки учрашувлар хўжакўрсинга, режага киритилгани учунгина ўтказилмоқда. Бундай пайтларда ВАҚТ бечора ўз қадрига ўзи йиғласа керак, — дейди дўстим чуқур ўйланиб.

Яқинда эрта тонгдан касб тақозоси билан бир нуфузли ташкилот уюштирган тадбирга бордим. Тадбирнинг мавзуси ўта долзарб ва ҳамма учун бирдек қизиқарли. "Жуда ўқишли мақола тайёрласам бўларкан" деган умидда ҳар бир мутахассиснинг фикрини диққат билан эшита бошладим. Энг аввал сўзга чиққан киши йиғилишнинг мақсади-ю кун тартибига қўйилган масалалар ҳақида роппа-роса ярим соат гапирди. Сўнг у соҳа бўйича масъул лавозим эгасига навбат берди. У киши эса ҳозиргина гапини тугатган одамнинг нечоғли сермазмун фикрлар билдиргани ҳақида батафсил сўзлади. Кейин эса маърузасининг мавзуси билан таништирди...

Шу пайт мен билан ёнма-ён ўтирган таниқли қаламкашлардан бири ўрнидан секингина турди-ю, эшик томонга юра бошлади. Мен эса у стол устида унутиб қолдирган газетага кўз югуртирдим: биринчи саҳифанинг четида "Эссиз, ВАҚТ нобуд бўлмоқда" деган сўзлар ёзилганди.

Хуллас, роса гапга тўйиб, тадбирдан чиққанимда иш вақтининг ярмидан кўпроғи ўтиб бўлганди. Кунимиз эса яна кимдир тайёрлаган(барака топсин) "пресс-релез"га қолди.

Ишхонага келиб, эндигина қораламани бошлаган эдим, телефон жиринглай бошлади. Гўшакни кўтарсам, мендан ёши улуғроқ ҳамкасбим экан. У кишига каминани йўқлагани учун бошим кўкка етганини айтиб, ташаккур изҳор қилдим. У эса мени "иш вақтида безовта қилгани учун узр" сўради ва бугун тушликда нима тановул қилгани-ю холасининг набираси тўрт ёшга тўлгани, яна шунга ўхшаш бир қанча "иссиққина хабар"лардан баҳраманд қилди. Бу пайтда мен телефон гўшагини чап қўлимга олдим-да, ўнг қўлимга қалам олиб ён дафтарчамга ёзим қўйдим: "ВАҚТ, бизларни кечир"...

Ситора ТОЖИДДИНОВА

САФАР

ҲАҚИҚИЙ ШЕЪР КЎНГИЛ ИЗҲОРИДИР

Шоира Ўктамой (Ўктамхон Холдорова)нинг "Йиғлаётган юрак" номли шеърий тўплами инглиз ва панжоб тилларига таржима қилиниб, Ҳиндистонда чоп этилди. Яқинда ана шу юрт сафаридан катта таассуротлар билан қайтган шоира билан кечган суҳбатимиз ҳам сафар таассуротлари, ижодий режалар ҳақида бўлди.

— Ўктамой опа, Сизнинг "Йиғлаётган юрак" номли шеърий тўпламингиз инглиз ва панжоб тилларига таржима қилинганлиги қувончли. Келинг, суҳбатимизни даставвал, ҳинд диёридаги ижодий сафарингиз таассуротларидан бошласак...

— Мен борган Панжоб штатининг об-ҳавоси тоғ олди ҳудудига жойлашгани учун анча мўътадил экан. Табиати бизнинг Фарғона водийсининг табиатини эслатади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, у ўлкада абадий яшиллик ҳукмрон. Биздагидек фасллар алмашмайди. Назаримда, вақт машинаси тўхтаб қолгандек. Масалан, декабрь ойининг илк кунларида борганимизда олмалар гуллаган эди. Қиш фасли бўлса-да, ҳамма томон ям-яшил, пишиқчилик, йўл бўйида атиргуллар бўй таратиб ётибди. Унча кенг бўлмаган асфальт йўллардан машинада ўтиб боракканмиз, бепоён бананзорларни, гул плантацияларини томоша қилдик. Бизга нотаниш бўлган декоратив ва мевали дарахтларнинг номини йўл-йўлакай ҳамроҳларимиздан сўрадик. Бу гўзаллик уларнинг жонига теккандек эди гўё. Уларда мангу яшиллик бўлгани учунми фасллар келишини биздек орзиқиб кутишмас экан.

— Кимдир шеърни илоҳий неъмат, яна кимдир кўнгил иши дейди. Сизнингча шеърият ўзи нима?

— Шеър — бу руҳнинг овози. Бу овозни фақатгина инжа қалб эшита, ҳис эта олади. Аслида, ҳақиқий шеър бу кўнгил изҳоридир. Инсон учун бу дунёда ўз кўнглини билмоқ ва билдирмоқдан улуғ саодат бўлмаса керак. Шеърият шундай сеҳрли неъматки, ижодкор бошқалардан туйғуларининг жўшқинлиги билан ажралиб туради. У ҳаётда кечадиган ҳодисаларни қалбан идрок этади ва юрак синтезидан ўтказади. Шеърият — миллат танламайди, дейишади. "Томаётган кўнгил" номли шеърий китобим "Шарқ" нашриётида чоп этилди. Ундан ташқари Ҳиндистонда ўтказилган халқаро шеърият фестивалида иштирок этиш насиб этди. Анжуманда 20 дан ортиқ давлатдан келган дунё шоирлари ижоди билан яқиндан танишиш шарафига муяссар бўлдим. Ўз навбатида бундай нуфузли анжуманда мен шеърларимни имтиҳондан ўтказдим. Бу шеърларим кейинчалик панжобчага ҳам таржима қилиниб, бугунги кунда икки тилда китоб ҳолида Ҳиндистонда нашр этилди. Шеърларимни ўзбекчадан инглизчага ўгиришда таниқли таржимон Қосим Маъмуров ҳамда шоир Сварнжит Савининг хизматларини эътироф этмасдан бўлмайди, албатта. Ҳиндистоннинг Чандигарҳ, Лудиана, Амритсар, Фридкот номли шаҳарларида ушбу китоб тақдимотига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди. Бундан маълум бўлдики, ҳинд халқининг нафақат санъатсеварлиги, балки адабиётни, шеъриятни бирдек севиши, қадрлаши мени қувонтирди.

Мен ижодий учрашувларда сўз билан оламни забт этган ҳазрати Алишер Навоий шеърияти, юртимизда она тилимизнинг юксаклиги ва ўзбек поэзияси чуқур тарихий илдизга эга эканлиги ҳақида сўзлаб бердим. Тақдимот маросимларига Ҳиндистоннинг турли воҳаларидан келган шеърият мухлислари, таниқли ижодкорларнинг ташриф буюришганини кўриб дилдан қувондим. Ҳиндистонликларнинг мендек оддий ўзбек шоирасига кўрсатган бундай юксак ҳурмат-эътибори руҳлантирди. Яна шуни ҳам айтиб ўтишни истардимки, ўша куни соат 16.00 да бўлиб ўтган тадбирнинг шу куннинг ўзида бир неча маҳаллий матбуотда суратлари билан ёритилиши бугунги ҳинд матбуотининг тезкорлигидан далолат беради. Умуман, ижодий учрашувларимиз беиз кетмади, деб ўйлайман.



after relinquishing the charge, Jaiswal said. "I consider my tenure at Ludhiana as satisfactory."

(CET). Once the result is out, like other management institutes, the UBS makes interview calls to students.

Words in motion, from Uzbekistan to Ludhiana

AMRITA CHAUDHRY
LUDHIANA | FEBRUARY 14

SHE belongs to the land of legendary Mughal emperor Babar and is a big fan of Amrita Pritam.

Poetess to the core, for her work draws inspiration from life, love, friendship and nature. Currently on a private visit to the city, Uzbekistan-citizen Uktamoy loves Indian poetry as much as she loves Punjabi culture.

Born in a remote village, Shurqurghon of Namangan region, 45-year-old Uktamoy graduated from Maangan State University's Philological Faculty. Her collections of poems including Home Sick Birds, Relying On Patience, Tracks of a Swan, A Shedding Soul have been published and widely acclaimed.

Working as the deputy editor of an agriculture journal of Uzbekistan in Tashkent, she is also a member of the Uzbekistan Writers' Association since 1991.

"Babur and I come from the same place and it is poetry that binds us. He was a great poet and I have read his works extensively," says the woman with heavily kohled eyes.

"I try to depict every human emotion through the medium of poetry, the sweet sufferings of secret love, full

— Ҳиндистонлик ижодкорлар ўзбек адабиётидан қанчалик хабардор экан?

— Ҳинд халқи адабиётни ҳам санъатдан кам севишмас экан. Улар билан бўлиб ўтган ижодий мулоқотларда шуни билдимки, улар рус адабиётидан Пушкин, Лермонтов, Лев Толстой, Алексей Толстой, доғистонлик Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Доғистоним" (шеъридан баъзи сатрларни ёддан айтиб беришди), қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов асарларини яхши билишаркан. Ўзбек адабиётидан Алишер Навоий, Бобур ижодини ҳамда Зулфияхонимнинг шеъриятидан шу ерлик машҳур шоира Амрита Притам таржимаси орқали озгина хабардор экан. Классик адабиётимиздан афсуски яхши хабардор эмас экан. Мен буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ғазаллари ҳақида тўлқинланиб гапирганимда, улар «Бизга Навоий ғазалларини таржима қилиб юборинглар. Керак бўлса, биз бундай классик асарларни китоб ҳолда чоп этиб, халқимизга етказайлик" дейишди. Мен адабиётимизнинг сара асарларини таржима орқали дунёга олиб чиқиш вақти келганини ва аллақачон заруратга айланганини дилдан ҳис этдим.

Бу борада Юртбошимиз ҳам "Адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан ғарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур", дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

— Тожмаҳалга ташриф буюрганингизда қалбингиздан нималар кечди?

— Бобурийлар бунёд этган бири-биридан гўзал ҳашаматли иншоотларни, неча минг йиллардан буён ўз ҳолатини йўқотмаган бетакрор обидаларни зиёрат этиб жуда қувондим. Кўнглимга бир ғашлик ҳам чўккандек бўлди. Етти мўъжизанинг бири бўлган Тожмаҳал — ҳақиқатан ҳам оппоқ мармардан бетакрор, бетимсол ҳолда бунёд этилган бу маъвога қадам қўяр экансиз, юрагингизнинг аллақаери симиллаб оғригандек бўлади. Узоқ-узоқлардан қулоғингга севган ёридан бевақт жудо бўлган, айрилиқ азобларига ҳамон кўниколмаётган Шоҳжаҳоннинг чекаётган оҳу ноласи эшитилгандек, ўз-ўзидан қалбингиз туғёнга келади. Бу ерда сиз бу ишқ қисмати фожиаси учун йиғлаяпсизми ёки кўнгилингизни қайсидир бурчида беркиниб ётган хассос дардлар туфайли йиғлаяпсизми ажратолмай қоларкансиз.

— Умуман ушбу сафар ҳаётингизда қандай из қолдирди?

— Ҳиндистонга борганимда бироз шошиб қолдим. Бу ерда ҳамма нарса ўзгача, ўзига хос. Бошига ранго ранг салла ўраган, узун соқол қўйган ёшу яланг эркаклар, кинолардагидек чиройли сариларга бурканган қиз-жувонлар, талаба қизлар, кўчаларда уч ғилдиракли велосипед — рикшаларда кетаётган, турли тақинчоқларни тақиб олган хонимчалар ажнабий тилда суҳбатлашиб боришар, бошига сават қўйиб қайгадир шошган кекса отахонларни учратасиз. Уч ғилдиракли тепасигина ёпилган мотоцикллар, атрофингизда ғизиллаб ўтаётган икки ғилдиракли мото ҳайдаб бораётган, узун панжобий кийимлар кийган хотин-қизлар ҳам кўплаб учраши мен учун анча ғайритабиий туюлганди. Гўё мен бошқа мамлакатга эмас, вақт машинаси ёрдамида бошқа бир даврга, бошқа бир оламга тушиб қолгандек эдим.

Мени ҳайратга солган нарсалардан яна бири шу бўлдики, йўл четларида, дам олиш масканларида, шаҳарнинг кўзга кўринган марказий жойларида силлиқ саврга ўхшаган пальма дарахтлари ҳамда дарахтгуллар бўлди. Назаримда атиргулу чиннигуллар ўсиб, мана шундай забардаст дарахтларга айланиб кетгандек. Улар шунчаки ёввойи ҳолда очилиб ётган гуллар эмас, худди атиргулдек қип-қизил, сариқ, оппоқ ёки сиёҳранг тупсадани эслатадиган қийғос гуллаб кишини оҳанрабодек ўзига тортади.

Хуллас, адабиёт ва санъатни жондан севадиган ўзбек халқидек асқияларга бой ҳинд диёридан катта таассуротлар билан қайтдим.

Малоҳат МЕНГЛИҚУЛОВА
суҳбатлашди.

ЮРТИМИЗ ОРОМГОҲЛАРИДА

БЕШАРИҚНИНГ ШИФОБАХШ СУВЛАРИ

Она юртимизнинг Фарғона вилоятидаги Бешариқ адирликларида шифобахш маъданли сув топилди. Тиббиёт мутахассислари унинг таркибини ўрганиб, шундай хулосага келишди: шифобахшлик хусусияти жиҳатидан жаҳонга машҳур Трусковец сиҳатгоҳининг маъданли сувидан асло қолишмайди.

Адиробод деб номланадиган ушбу ҳудудда "Рапқон", "Искра", "Ўзбекистон", "Она ва бола сиҳатгоҳи" каби санаторийлар бўлиб, уларда ҳар йили минг-минглаб беморлар ўз дардларидан фориғ бўлишаяпти. Айниқса, ошқозон, буйрак, жигар, ўт қопи касалликларини даволашда бу ернинг сувига етадигани йўқ, деб таърифлашади.

"Она ва бола" сиҳатгоҳи Адирободнинг "Боғишамол" деб аталувчи яна бир оромбахш маскани билан туташ жойда қад ростлаган. Ўзига хос архитектура ансамбли бўлган бу муҳташам бино баланд адирликлар қўйнида мўъжизадек кўринади. Бу масканга ташриф буюрган ва унинг сувидан шифо топаётган оналар ва болалар учун муҳайё қилинган шарт-шароитларни кўрган киши юртимизда инсон учун катта ғамхўрликлар яратиб берилаётганига яна бир карра амин бўлиши шубҳасиз.

Жаннатмакон бу жойнинг фақат сувигина эмас, балки ҳавоси ва табиати ҳам шифобахшдир. Баландликдан атрофларга боқиб, кўзингиз қувонади. Адиробод ва Боғишамолга туташиб кетган боғ-роғлар, гулу гулзорлар, қушларнинг бетиним навоси одамнинг кўнглини кўтаради.

Сиҳатгоҳ бош ҳакими, олий тоифали мутахассис Муроджон Эшонқулов билан бирга айланиб, беморларнинг овқатланиш ва маданий ҳордиқ чиқариш шароитлари билан танишдик. Физиотерапевт Акмалхон Абдуллаев ҳамда Муҳайё Усмоновалар, ҳамширалар Мақсуда Умарова, Марғуба Умарова, Бўстоной Сотволдиева, Иқболой Турсуноваларнинг ишини кўриб, завқландик. Тиловатхон Низомова турли хил шифобахш гиёҳлардан шарбатлар тайёрлаётган бўлса, ошпаз Сайёрахон Аҳмедова ҳамкасблари билан лаззатли таомлар пиширмоқда эди. Бу ерда даволанаётган болалар алоҳида жиҳозланган синфхоналарда мактаб дастурлари асосида билим олиш имкониятига ҳам эга экан. Биз одобнома ўқитувчиси Дилбархон Асқарова ва тарбиячи Гулмира Ҳайдарова, спорт ва жисмоний тарбия ўқитувчиси Зарифжон Мирзатуллаевларнинг фаолияти билан ҳам танишдик.

Сиҳатгоҳда бир йўла 60 нафар она ва 60 нафар бола ўз дардига шифо топиши мумкин. Бу ерда нафақат мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, балки қўшни давлатлардан келган оналар ва болаларни ҳам учратдик. Сиҳатгоҳнинг ташаккурномалар дафтарида кўплаб дил изҳорларини ўқиб, беихтиёр юртимизда шундай шифо масканлари борлигидан хурсанд бўласан киши.

— Шифобахшлик хусусияти бу қадар кучли маъданли сувни ҳеч қаерда учратмаганман, — деб ёзади зарафшонлик Кимсаной Қурбонова. — Узоқ йиллардан бери зотилжам касалига йўлиққанман. Буйрак хасталигига учраб, нимжон бўлиб қолган ўн яшар ўғилчам билан келиб, икки ҳафта даволандик. Уйимизга соғлом ва хуш кайфият билан қайтдик.

— Оналар ва болалардан ташқари бошқа беморлар ҳам келиши мумкинми? — сўраймиз бош шифокордан.

— Ҳаммани қабул қиламиз, — дейди у. — Улар учун бошқа даволаш бинолари мавжуд. Юртбошимизнинг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ғамхўрлиги биз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳозир дам олиш ўринларини кўпайтириш ва энг замонавий тиббий-технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бўйича қўшимча чора-тадбирларни кўраяпмиз.

Биз сиҳатгоҳнинг маъданли суви билан қизиқдик.

— Шифохонамиз ҳудудидан бири 1800 метр, бири 220 метр чуқурликдаги иккита қудуқдан 39-40 даражали иссиқ сув чиққан, — дейди бош ҳаким Муроджон Эшонқулов, — биринчисининг суви буйрак, жигар, ўт қопи, сийдик йўллари ва қовуқ касалликларини даволайди. Иккинчиси эса меъда шунингдек, 12 бармоқли ичак, ревматизм ва ҳаракат таянч аъзолари хасталикларига малҳам бўлади.

Яқинда сиҳатгоҳ ҳудудидан яна бир маъданли сув чиқди. Бу сув инсоннинг барча ички аъзоларига тааллуқли ҳар қандай иллатга малҳам бўла олади, дейишмоқда мутахассислар.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.
Гулрухсор АСИЛОВА,
журналист.

Суратларда: сиҳатгоҳ ҳаётидан лавҳалар.
Денис ДРОКИН олган суратлар.

МАДАНИЯТ

УЧРАШУВ

ОРЗУИМ – НАВОИЙНИ ЎЙНАШ ЭДИ,

— дейди Ўзбекистон халқ артисти Обид ЮНУСОВ

Ютимизда санъаткорлар кўп. Кино ёки театрда эса фақат йирик образни яратиш билан эмас, балки оддий бир сўзни томошабинга юракдан етказиб бериш орқали ҳам шуҳрат қозониш мумкин.

Халқимизнинг севимли санъаткори Обид Юнусов – ўзи бир олам. Бошқа актёрлар орасида шеъриятни, мусиқани нозик тушуниши билан ажралиб туради. Обид ака ўзига берилган ҳар қандай ролни қойилмақом қилиб ўйнаган, бироқ, билимсизликка, дангасаликка муросасизлиги ҳам ҳаммага кундек равшан. У виждон амри билан яшайди. Қалби мусичадек беозор бўлса-да, ҳамма нарсага кўниб кетавермайди. Театрнинг ҳақиқий фидойиси бўлгани учун санъатнинг жуда кўп синовларида тобланган.

Ўзбекистон халқ артисти Обид ЮНУСОВ билан кино ва театр олдида турган муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

– Обид ака, ўзбек адабиёти ва санъатида бош қаҳрамон ҳамиша ВИЖДОН бўлиб келган. Бу тушунча сизнинг даврингиздагидан кўра бугун бироз ўзгарганга ўхшамайдими?

– Виждон – бу санъатда кўпроқ бош қаҳрамон тимсолида намоён бўлади. Бугун бу тушунчага бошқачароқ, анча ижобий ёндошилмоқда. Кино ва театрда эса қаҳрамон тимсолига нисбат ҳам ўзгарган. Билмадим, биз ўқиган китоблар, санъат асарлари, ўйнаган қаҳрамонларимизни энди кутиш керакмикин? Масалан, Чапаев ёки шунга ўхшаш қаҳрамонлар? Ёдимда, бир замонлар Абдулла Қаҳҳорнинг «Бешик» ҳикоясини «Кровать» деб ўзгартиришганди. Эмишки, бешик эскилик сарқити, қолаверса, бола онгининг шаклланишида салбий таъсир кўрсатармиш. Лекин бугун адабиётда, санъатда бундай қарашларни талаб қилиб бўлмайди. Аммо кино ва театр саҳнасига олиб чиқадиган қаҳрамонларимиз ҳозир ҳам юксак туйғулар соҳиби, ўз фикрини ҳимоя қилиб, жиддий мақсадлари йўлида оромини йўқотган кучли шахс бўлиши керак. Мен ҳар доим ана шундай образларни яратиш илинжида яшадим.

– Сизнингча, бу борада драматурглар ва актёрлар олдига қандай талаблар қўйиш керак?

– Инсонга изланиш, ўрганиш ва тинимсиз меҳнат бахт келтиради. Ахир, санъаткор ўз-ўзидан саҳнага чиқиб, маҳоратини намоён эта олмайди-ку. Драматург ва режиссёрда ҳам гап катта. Актёрларнинг бор маҳоратини англаб, тўғри йўналтира олиш уларнинг иши. Режиссёр кимнинг нимага қодирлигини билиши керак. Масалан, Тошхўжа Хўжаев мендаги дутор чалиш қобилиятини ўз ўрнида қўллай билди. Унинг премьераси Тошкентда ер қимирлаган кезларига тўғри келса-да, режиссёр Шариф Қаюмов маҳорат билан саҳналаштирди. Масалан, спектаклдаги эпизодларнинг бирида «Палов» деган шеър шундай бошланади:

Дунёда яхши таом кўп,
Биттаси ёғли палов.
Шунча лаззат, шунча роҳат,
Ёса нечоғли палов.

Бу мантиқсизликни ўзгартириш керак, деганимда режиссёр қўявер, бу шеърни Уйғун домла эмас, трамвайчи Аброр ёзган-ку, дегандилар. «Парвона» спектакли муваффақиятли чиққач, бир куни Уйғун домла бизни уйига таклиф этдилар.

– Асаримда бош қаҳрамонни яратаётганимда Наби Раҳимов кўз олдимда келганди, – дея сўз бошлади адиб. – Лекин Наби аканинг ёши Ўткурийга мос эмаслиги мени бироз ташвишлантирганди. Энди билсам, бу образни Обид Юнусов учун яратган эканман.

Бундай илтифотдан бошим кўкка етди. Бу спектаклдан сўнг одамлар Обид Юнусов эканимни унутиб, анча вақтгача «Ўткурий» деб юришди. Лекин мени Ўткурий деб танишларини хоҳламасдим. Кейин эса бунга кўникиб кетдим.

«Парвона» спектакли республикамизнинг турли гўшаларида 800 марта намойиш этилди. Менинг ярим умрим ана шундай спектакларнинг ижодий сафари билан ўтиб кетганидан бироз ранжийман. Ўткурий образидан сўнг кўпчилик менга комик актёр сифатида қаради. Куч-ғайратга тўла ўспирин чоғимда орзу қилган ролларимни ўйнай олмадим.

Кечагидек ёдимда, 1958 йилнинг 3 октябрь куни эндигина «Бой ила хизматчи»даги Холмат ролини ижро этиб чиқиб, Олим Хўжаевни кўриб қолдим. Шунда унинг маҳоратига қойил қолиб, Ҳамлет, Алишер Навоий каби драматик образларни яратиш асл орзуим эканини айтдим. Шу ролда синаб кўришларини сўрадим. Аммо илтимосим жавобсиз қолди. Олим ака «Навоий образи — бу сенинг ампуланг эмас», деди холос. Навоийни ўйнаш эса менга бир умр армон бўлиб қолди. Лекин Олим Хўжаевга ихлосим ифодаси сифатида тўнғич фарзандимга Олим дея исм қўйганман.



– Сиз кўпдан бери театрда ёки кинода роллар ижро этмаяпсиз. Эҳтимол, қалбингиздаги янги образларни яратишга энди жазм қиларсиз...

– Ростини айтсам, энди роллар ўйнагим йўқ. Қанчадан-қанча кино ва театрларда ўзига хос ролларни таклиф қилишди, бормадим. Кейин бетакрор образларни ўйнашни ёшим ҳам, соғлигим ҳам кўтармайди. Театр эса... Нима десам экан? Гарчанд нафақага чиққан бўлсам-да, театрни соғинаман. Театрдаги 43 йиллик фаолиятим давомида «Мирзо Улуғбек», «Қароқчилар», «Монсерро», «Орзулар чашмаси», «Абу Али ибн Сино», «Айтсам тилим, айтмасам дилим» каби қатор саҳна асарларида 100 га яқин турли характердаги образларни яратдим. Ҳозир ҳам аҳён-аҳёнда у муқаддас даргоҳни зиёрат қилиб қайтаман. Намойиш этилаётган спектаклар эътиборимдан четда қолмайди.

– Бугун театр ва кинода қаҳрамон тимсолини яратишда қандай янгиликлар бор?

– Ўйлайманки, бугун замонамиз қаҳрамони тимсолини кино ва театрда яратиш муҳим ва мураккаб вазифа. Бундай жиддий ишга пала-партишлик ва жўнлик билан ёндашиб бўлмайди. Акс ҳолда биз буюк қаҳрамон санаб келган Алишер Навоий, Бобур, Қирол Лир, Улуғбек, Ҳамлет образлари ўз жозиба кучини йўқотади. Бугун замон, одамларнинг дунёқараши ўзгарди. Энди моҳиятан мустақиллик кашф этган қаҳрамонлар ўз характери билан қалбларда чуқур из қолдириши керак. Бунинг учун сийқаси чиққан мавзулардан, саёз сценарийлардан қочиш керак. Баъзан истеъдодли актёрларнинг олди-қочди, пуч гаплардан иборат фильмларга ўралашиб қолаётганини кўриб ранжийман. Шундан кўра классикага мурожаат қилишса бўлмасмикан, дея ўйланиб қоламан. Чунки классик асарлар ҳеч қачон саҳнадан тушмайди. Ҳар бир замоннинг ўз Навоийси, Бобури, Улуғбеки бўлади. Буни янгича талқинда ижро этиш маҳорати ҳар доим қаҳрамон шахсиятини яратади.

– Илгари кино олиш анча мураккаб эди. Гарчи ҳозиргидек замонавий техник аппаратлар бўлмаган. Аммо бугун замонавий воситалар ёрдамида суратга олинган фильмларни бир ёки икки марта кўриш мумкин. Демак, ҳамма гап асар сценарийси, актёрларни танлай билишда экан-да...

– Ҳа, тўғри айтдингиз, илгари битта кадрни олиш учун камида 1-2 соат вақт кетарди. Фильмдаги кичик ролни ижро этиш учун ойлаб, керак бўлса, йиллаб ижодий сафарда бўлардик. Эсимда, Эдуард Хачатуровнинг «Тўйлар муборак» фильмини суратга олиш жараёни кузда бўлгани учун ҳам сувдан Дилором Қамбаровани олиб чиқиб, қўлимда кўтариб юриш саҳнасини 5 марта дубль қилиб олгунча совуқ қотиб, лабларим кўкариб кетганди. Қолаверса, кино ёки театрда роль ижро этиш учун 10 марталаб ёзилардик. Синовдан ўтмаган пайтларимиз ҳам бўлган. Ҳозир кино аппаратлари бошқача. 4 кунда фильм яратса бўлади. Яқинда янги фильмга суратга тушиш учун Самарқандга боргандик. Ишонасизми, 4 кунда кино олишди. Очиғи, олдиқочди фильмларга роль ижро этишга виждоним қийналади. Бугун томошабинлар ҳукмига ҳавола этилаётган фильмларни кўрганимда, мени аввало, миллийлик ва тил масаласи ташвишга солади. Баъзи санъаткорлар ўзи туппа-тузук адабий тилда сўзлашади, аммо роль ижро этаётганда бутунлай адабийликни йўқотади. Кино, театр саҳнасида ўзбек тилига мутлақо алоқаси йўқ терминларни ишлатиш санъатимизнинг обрўсига путур етказади. Бу жиддий масала. Ўйлаб кўриш керак.

Кейин бугунги яратилаётган «Ўзбектелефильм» асарлари фақатгина телевидениеда намойиш этиш билан чекланиб қолаётир. Бунга биринчи сабаб фильмлар ниҳоятда бўш чиқаётир. Минг мажбурласанг ҳам одамлар бир марта кўради, қайтиб қарагиси келмайди. Айни пайтда эса фильмларимизни яхшилаш борасида ҳам жиддий ишларга қўл урилмоқда. Бу келгусида яхши натижасини беришига ишонаман.

– Телеэкранда намойиш этилган кўплаб хориж фильмларида, хусусан Раж Капур, Қирол Лир ва бошқа қатор қаҳрамонларга ҳам овоз бергансиз. Бугунги дубляж санъатидан кўнглингиз тўладими?

– Дубляжда овоз танлашда адашмаслик керак. Ўша даврда биз ёшлар – Гулчеҳра Жамилова, Хожиакбар Нурматов, Тўлқин Тожиев овоз бериш учун ҳар куни дубляж залига келардик. Баъзи қаҳрамонларга овозимиз тушмасдан 2-3 кун бекор келиб кетган пайтларимиз ҳам бўлган. Масалан, Қирол Лирга овоз бериш учун қанчадан-қанча маҳоратли санъаткорлар танланган. Синовдан фақат мен ўтганим боис бу вазифа ўзимга топширилган. Кейин ўша пайтда Ҳамза театри (ҳозирги Миллий академик драма театри) артистлари овоз бериш борасида биринчи ўринда турарди. Дубляж санъатимизни эса дунёда билишарди. Энди ана шу анъанани давом эттирадиган истеъдодли ёшларни тарбиялаш керак.

– Сиз улуғ санъаткор оиласида туғилиб, тарбия топгансиз. Хусусан, ҳаётда ўз ўрнингизни топишингизда отангиз Юнус Ражабийнинг ўрни қай даражада бўлган?

– Мен шундай улкан санъаткорнинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман. Отамнинг ижро этган қўшиқлари менга ҳақиқий санъатни тушунишни, унинг қадрини билишни ўргатди. Ҳаттоки, бошқа соҳаларда ишлайдиган биродарларим ҳам қалбан санъат шайдосидирлар. Масалан, хирург бўлиб ишлайдиган акам бирорта спектаклни қолдирмасдан томоша қилади. Айниқса, укам Ҳусанжонни бутун оиламиз билан кафтимизда кўтариб, эъзозлаймиз. Чунки у отам қолдирган мероснинг янги қирраларини очишга ҳаракат қилмоқда. Биз ака-укалар ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда отамнинг тарбияси, умр йўли ҳамиша ибратдир.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

ХУШОМАД АТИРГА ЎХШАЙДИ...

ТАФАККУР



МАРТТИ ЛАРНИ фин адабиётининг классик ёзувчиси ҳисобланади. Унинг "Соҳийлар қишлоғи", "Икки дил олами", "Она қўллари", "Гуноҳга бир қадам", "Миннесота ўт ичида" каби ўнлаб фельетон ва ҳикоялар тўплами ҳамда "Зўраки муттаҳам ёки тўртинчи умуртқа" сатирик романи кўплаб китоб шинавандаларига яхши таниш. Қуйида ёзувчининг "Соҳибжамол чўчқабоқар ёки тадбиркор аёл" романидан олинган тафаккур дурдоналари эълон қилинмоқда.

· Хушомад атирга ўхшайди: унинг бўйидан маст бўлиш мумкин, лекин уни ичиб бўлмайди.

· Эркаклар ўз юракларини тез йўқотсалар-да, ундан ҳам тезроқ қайта топа оладилар.

· Баъзилар фақат паспортга тушадиган фотосуратда мардона қиёфа касб этадилар, холос.

· Одам Атога шунинг учун ҳам ҳавас билан қарайдиларки, унинг қайнонаси йўқ.

· Гоявий уйғоқ бўлган киши ҳеч қачон ишга кечикмайди.

· Америкалик киноюлдузлар ва гангстерларнинг айтишича, агар одам эрталаб уйқудан бирданига машҳур бўлиб уйғонишни истаса, у кечалари камроқ ухлаши керак.

· Энг асосийси (тараққий этишни хоҳловчи ҳар қандай ташкилот — А.Р.) реклама билан шуғулланувчи бўлим мудирлиги учун бир одам топиш керакки, бу киши эскимосларга музлатгичлар ва Марказий Африка негрларига кигиз этиклар сотиш қобилиятига эга бўлсин.

· Гоҳида тошюрак аёлларни олқишлагим келади, чунки улар эркакларнинг барча ожизликлари устидан ошкора кула оладилар.

· Мен ҳаётга жуда чуқур бир ҳандақ тубидан баландликка қарагандек назар ташлайман, ҳандақ қирғоғида турганлар кўзимга жуда майда бўлиб кўринадилар...

· Барча ихтироларнинг онаси — бекорчиликдир.

· Урушни кўраргa кўзим йўқ. Чунки унда ҳеч ким, ҳеч қачон ғалаба қозонмаган.

· Ҳаёт шундай бир фильмки, уни охиригача айлантириб-айлантириб, охири бир қутига солиб, мангуликка, архивга ташлаб қўядилар.

· Оламда совуқ аёллар йўқ, балки уларни қиздира олмайдиган шахсиятпараст ва нодон эркакларгина бор.

· Ҳаёт ўйловчилар учун — комедия, ҳис қиладиганлар учун — фожиа экан.

· Бу дунёда одам бўлиш катта гап, аёл бўлиш эса ундан ҳам улуғ.

· Қонунлар тўплами ҳозирга қадар экранлаштирилмаган энг зўр адабий асардир!

· Жониворлар орасида қизара олиш қобилияти фақат одамгагина берилган экан.

· Эркаклар аёлларнинг мақтовига кўпам зор бўлишмаса керак, чунки улар ўз-ўзларини мақташга уста.

· Кўрқоқлар ҳаётдан инграб, доншимандлар эса тинчгина кўз юмадилар.

Азим БАҲОДИР тайёрлади.

СПОРТ

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Германия ва Италия давлатларида ўтказилаётган халқаро турнирларда мувафаққиятли қатнашиб, бош совринни қўлга киритишди.

Германиянинг Кассел шаҳрида ўтказилган "Фьючерс" туркумидаги мусобақанинг жуфтликлар баҳсида америкалик Райан Ризза билан биргаликда 23 ёшли теннисчимиз Фарруҳ Дўстов саралаш учрашувларида мезбонлар вакиллари Петер Гойовжик ва Марк Зиберни, белоруслик Николай Фидирко ва германиялик Петер Торебкони, молдовалик Раду Албот ва чилилик Ханс Кастильони мағлубиятга учратиб, бош соврин учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувда эгизаклар Марсел ва Кристоф Тиеманн устидан зафар қучдилар ва мусобақа ғолиби бўлишди.

Хотин-қизлар ўртасида Италиянинг Кунео шаҳрида ташкил этилган теннис турнирида мамлакатимиз номини ҳимоя қилган Оқгул Омонмуродова шериги белоруслик Дарья Кустова билан бош совринни соҳибасига айланди. Мазкур жуфтлик саралаш учрашувларини иккинчи босқичдан бошлаб, америкалик Варвара Лепченко ва руминиялик Ирина Камелия Бегуни, Словакия вакиллари Микаэла Почабова ҳамда Романа Табаковани енгишга эришди.

О.Омонмуродова ҳамда Д.Кустова финалда Петра Четковска ва Матилда Йоханссонларни қийинчилик билан мағлуб этиб, ғалаба қозонишди.

ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДА ... ГРОССМЕЙСТЕР

Россиялик гроссмейстер Владимир Крамник Дортмундеда ўтказилган теннис турнирида тўққизинчи бор ғалаба қозонганидан сўнг, унинг исми Гиннеснинг рекордлар китобига ёзиладиган бўлди. Бу ҳақда мусобақанинг расмий сайти хабар тарқатди.

Якшанба куни ўнинчи турда Владимир Крамник ушбу турнирнинг анча йиллар аввалги тўрт карра ғолиби германиялик Аркадий Найдичга имкониятни бой берди. Лекин россиялик спортчида ғалаба ва дуранглар сони етарли эди. У мусобақа давомида жами 10 имкониятдан 6,5 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Шундай қилиб, Владимир Крамник жаҳондаги биринчи рақамли шахматчи мақомига эга бўлди.

ЖАМОАЛАР СОНИ 13 ТАГА ЕТДИ

Халқаро автоспорт федерацияси 2010 йилда бўладиган "Формула-1" мусобақаларида қатнашадиган жамоалар номини эълон қилди. Рўйхатдан 13 та жамоа ўрин олган бўлиб, аввалги 10 та жамоа сафига US F1, Campos ва Manoглар ҳам қўшилди.

Шундай қилиб, "Формула-1" жамоалари ФИА билан олиб борган баҳсда ютиб чиқди. Эслатиб ўтамиз, ФИА мусобақалар регламентини ўзгартириш ва жамоалар бюджетларини 40 млн. фунтга камайтиришга ҳаракат қилган эди. Лекин охир-оқибатда ФИА раҳбариятининг жамоаларга ён босишига тўғри келди. Шунингдек, унинг раҳбари Макс Мосли октябрь ойида бўладиган ФИА президенти сайловларида қатнашмаслигини ҳам маълум қилди.

БОКСЧИНИНГ ЎЛИМИ

Шанба куни таниқли канадалик боксчи Артур Гатти Бразилиядаги Порту-де-Галиньяс оромгоҳининг меҳмонхонасидан ўлик ҳолда топилди. Жасадни биринчи бўлиб унинг рафиқаси Аманда кўрган. Улар ёзги таътилни биргаликда ўтказиш учун бу ерга келган эди ва ўзлари билан бир ёшар боласини ҳам олиб келишганди. Полиция ходимлари етиб келишганда, Гатти ерда қонга беланиб ётарди. Унинг бўйни ва бошида қаттиқ жароҳат излари бор эди. Қолаверса, Артурнинг жасади ёнида қонга беланган сумка ҳам бор эди.

Якшанба куни Бразилия полицияси боксчининг ўлимига алоқадор бўлган кишини ҳибсга олганини маълум қилди. Полициянинг маълумотларига кўра, бир-бирига зид кўрсатмалар берган марҳумнинг хотини Аманда Родригес ҳам қамоққа олинган.

Лазиз ДАВЛАТОВ тайёрлади.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

"Актриса бўлмоқчи эдим..."

Мактаб битирувчилари орасида касб танлаш тўғрисида жуда кўп суҳбатлар, баҳс-мунозаралар бўлиши табиий. Собиқ синфдошларим билан бўлган шундай суҳбатларнинг бирида Наргиза исмли қиз актриса бўлиш орзусида эканини, аммо ота-онаси қаттиқ қаршилик қилишаётганини айтганди. Ўз истеъдоди билан мактабда яхшигина танилган Наргизага кўпчилик ачинганди ўшанда. Таассуфки, бу қиз ота-она ризолиги йўлида ўз орзуси ва истеъдодини қурбон қилди.

Бу йил ҳам "абитуриент" сўзи тез-тез қулоғимга чалина бошлаши билан Наргиза эсимга тушди. Унинг: "Дадам айтди, бизнинг авлоддан артист чиқиши керакмасмиш. Онам ҳам актрисалар яхши қиз бўлишмайди, дейди", деган гапларини эслаб, ўйга толдим. Нега баъзи ота-оналар фарзандларининг, тўғироғи, қизларининг санъаткор, актриса ёки раққоса бўлишларига қарши чиқишади? Ахир, эл ардоғидаги актриса-ю, раққосалар иштирок этган кино ва концертларни маза қилиб, раҳматлар айтиб томоша қилишади-ю, қизларининг орзулари ҳақида гап очилса, барча санъаткор аҳлини айблай бошлашади. Эҳтимол бунга айрим "устоз кўрмаган"ларнинг юриш-туриши сабаб бўлаётгандир. Аммо ҳам оилада, ҳам санъатда ўз ўрнига эга бўлган, таъбир жоиз бўлса, кўпчиликка ўрнак бўла оладиган аёл санъаткорлар ҳам юртимизда оз эмас-ку!

Шундай ўйлар қуршовида юрганимда эл ардоғидаги санъаткорлардан бири, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова билан учрашиб қолдим. Шу баҳона уларга кўнглимдагиларни айтдим. У киши эса: "Гапингизда жон бор. Ростдан ҳам айримларда аёл санъаткорлар ҳақида нотўғри тасаввурлар мавжуд. Мен ҳам актриса бўламан, деганимда, эҳ-ҳе, жуда кўп қаршиликларга учраганман. У пайтдаги гап-сўзлар олдида ҳозиргилари ҳеч нарса эмас. Ҳақиқат шуки, инсон ҳар доим ўз мақсади йўлида тинмай ҳаракат қилиши, аввало Аллоҳ, қолаверса, иймони олдида покиза бўлиши керак. Шундагина барча орзуларимиз рўёбини кўра оламиз", – деди.

Латофат ЗИЯТОВА,
ЎзМУ талабаси.

РАССОМ ХАНДАСИ

Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими – А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун – 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-505-19-11
Бухоро – 8-365-592-85-02
Самарқанд – 8-366-233-62-12
Сирдарё – 8-372-366-99-21
Навоий – 8-436-374-63-11
Сурхондарё – 8-376-370-12-01
Қашқадарё – 8-375-221-78-50
Тошкент – 8-370-383-97-53
Фарғона – 8-373-225-80-58
Хоразм – 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти – 21.00
Топширилди – 22.10

® – тижорат белгиси.

Адади: 11461 Буюртма – Г-654 1 2 3 5 6 7 8